

**“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
(“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ)**



**“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ ТИЗИМИДА КРЕДИТЛАШ ВА УНГА  
ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
ТАРТИБИ**

**ТОШКЕНТ - 2020 ЙИЛ**

## МУНДАРИЖА

<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	<b>4</b>
1-§. Кредитлаш хизматига доир операцияларни амалга оширишда Банк таркибий бўлинмаларининг вазифалари.....	5
<b>II. КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.....</b>	<b>5</b>
1-§. Мижозларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби.....	5
2-§. Мижозларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш.....	7
3-§. Кредитлаш хизматига доир ҳужжатларнинг расмийлаштириш тартиби.....	8
4-§. Кредитлаш хизматига оид шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизаси.....	8
5-§. Кредитлаш хизмати кўрсатилишида ссуда ҳисобварағини очиш ва ёпиш шартлари ҳамда тартиби.....	9
6-§. Кредитлаш хизматига доир ҳужжатларни сақлаш тартиби.....	9
<b>III. КРЕДИТЛАШ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА ТАЪМИНОТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....</b>	<b>10</b>
1-§. Таъминотга қўйиладиган умумий талаблар.....	10
2-§. Мулк гаровига қўйиладиган талаблар.....	12
3-§. Гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаш тартиби.....	17
3-1-§. Гаров мулкни баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш.....	18
3-2-§. Гаров мулкни Банк ва гаровга қўювчи билан биргаликда баҳолаш.....	18
4-§. Учинчи шахсларнинг кафиллиги.....	19
5-§. Кредит қайтарилмаслик хатарини суғурта қилиш.....	20
<b>IV. ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>21</b>
1-§. Қисқа муддатли кредит турлари ва мақсадлари.....	21
2-§. Алоҳида кредит ҳисобварағи орқали кредитлаш.....	21
3-§. Хўжалик субъектларига иш ҳақи учун кредитлар бериш тартиби.....	22
4-§. Уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредитлар ажратиш тартиби.....	24
5-§. Марказлашган манбалар ҳисобига объектларни тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат ташкилотларини Банк ресурслари ҳисобидан кредитлаш.....	24
6-§. Буюртмачи ва қурилиш пудрат ташкилотларига объектлар қурилиши ва реконструкцияси учун кредитлар ажратиш.....	24
7-§. Қурилиш пудрат ташкилотларига уй-жой қурилиши ва реконструкция қилиш учун кредит ажратиш.....	25
8-§. Ишончли кредитлар ажратиш тартиби.....	26
9-§. Айланма маблағларини тўлдириш учун кредит бериш шартлари.....	27
10-§. Қисқа муддатли кредитларни сўндириш тартиби.....	27
<b>V. УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>28</b>
1-§. Узоқ муддатли кредитлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш умумий қоидалари.....	28
2-§. Узоқ муддатли кредитларни расмийлаштириш тартиби.....	29
3-§. Узоқ муддатли кредит бериш ва тўлаш тартиби.....	31
4-§. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳисобидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳарни кўриб чиқиш тартиби.....	32
5-§. Давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби.....	33
<b>VI. КРЕДИТЛАРГА ДОИР ҲУҚУҚЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>33</b>
1-§. Кредитларга доир ҳуқуқларни сотиб олишнинг умумий қоидалари.....	33
2-§. Кредитларга доир ҳуқуқларни сотиб олишни расмийлаштириш тартиби.....	33
<b>IX. КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.....</b>	<b>34</b>
<b>X. БАНКДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>34</b>
<b>XI. БАНКДА ФАКТОРИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, МИЖОЗЛАРГА КАФОЛАТ БЕРИШ ТАРТИБИ.....</b>	<b>34</b>
1-§. Банкда факторинг операцияларини амалга ошириш.....	34

2-§. Кредит амалиётлари сифатида кафолатлар бериш тартиби.....	35
<b>1-илова:</b> Ариза.....	38
<b>2-илова:</b> Кредитлаш хизмати кўрсатилишини сўраб миждозлар томонидан Банк филиалига тақдим этиладиган стандарт ҳужжатлар тўплами.....	41
<b>3-илова:</b> Намунавий шаклдаги инспектор хулосаси .....	45
<b>4-илова:</b> “Кредит ҳужжатлари тўплами” ва “Кредит мониторингига оид ҳужжатлар тўплами” да ҳужжатларнинг кетма-кетликда тикилиб борилиш тартиби.....	65
<b>5-илова:</b> Гаровни баҳолаш тамойиллари.....	67
<b>6-илова:</b> Кафолат мажбурияти.....	69
<b>7-илова:</b> Инвестицион лойиҳа бизнес-режаси ёки техник-иқтисодий асосномаси (ТИА)нинг тузилиши .....	70
<b>8-илова:</b> Тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш методикаси ва таваккалчиликни баҳолаш тизими (Скоринг таҳлил тизими).....	74
<b>9-илова:</b> Намунавий филиал комиссия йиғилиши баёни ва баҳолаш далолатнома формаси.....	85

Методология бошқармасида

2020 йил 27 апрелда  
4/28 -сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Бошқарувининг

2020 йил 27 апрелдаги

4/28 -сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



## “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ ТИЗИМИДА КРЕДИТЛАШ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжаларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кредит сиёсати ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур ички меъёрий ҳужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда - Банк) тизимида кредит ва унга тенглаштирилган операцияларни (лизинг, факторинг, кафолат ва кафиллик бериш в.б.) амалга ошириш тартибини белгилайди.

3. Кредит ва унга тенглаштирилган операциялар (кейинги ўринларда - Кредитлаш хизмати) Банкда ҳисобварағига эга бўлган мижозга унинг ёзма аризаси (буюртмаси)га кўра шартнома асосида ва кредитлашнинг умумий тамойилларига риоя қилган ҳолда ажратилади.

Мижознинг иккиламчи ҳисобварағи банк тизимида очилган бўлса уларга кредит ажратиш масаласи белгиланган лимит доирасида филиал томонидан амалга оширилади.

Банк филиаллари томонидан тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига томорқа ер эгаларидан экспорт мақсадларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишлари, аҳолидан тери маҳсулотлари сотиб олиш учун Банкнинг алоҳида Бошқарув қарори билан белгиланган шартларга асосан нақд пулда кредитлар ажратилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларига Банк Бошқаруви қарори асосида кредит маҳсулотлари (модулли кредит) орқали кредитлаш амалиёти амалга оширилиши мумкин.

4. Банк томонидан кредитлар қайтаришлилик, муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадлилик (овердрафт, таълим ва микроқарз кредитлари бўйича мақсадлилик ўрганилмайди) шартлари асосида ажратилади.

5. Банк томонидан қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда мижозларга алоҳида шартномалар асосида кетма-кетликда икки ва ундан ортиқ Кредитлаш хизмати кўрсатилиши мумкин:

а) бюджетдан ташқари Жамғармалар маблағлари ҳисобидан дастлабки сармояни шакллантириш учун ажратилган кредитларга қўшимча равишда қарздорнинг асосий фаолият тури бўйича белгиланган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳани амалга оширишга;

б) қарздор корxonанинг бир маромда фаолият юритиши учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш ёки аввал берилган кредитлар ҳисобига ташкил қилинган лойиҳага ўзгартириш киритилиши, кенгайтирилиши, янги лойиҳалар учун ва бошқа шаклда ривожлантирилиши зарурияти юзага келганда.

6. Молиявий ҳолати қониқарсиз (зарар билан ишловчи,) ва бевосита ўзларига ажратилган ҳамда уларнинг кафиллиги остида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларга эга бўлган мижозларга кредитлар ажратилмайди.

Истисно тариқасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига (ХУЖМШ), филиал кредит комиссияларининг ўз ваколати доирасида иктисодиётнинг реал сектори корxonаларига, Банк Кредит қўмитасининг қарорига асосан давлат аҳамиятига эга ҳамда Банкнинг ишончли ва йирик хўжалик юритувчи субъектларига кредит хизматлари кўрсатилиши мумкин.

7. Лизинг корхоналари орқали лизингга олинаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишга аванс тўловларини тўлаш учун лизинг олувчи корхоналарга кредитлар ажратилмайди.

### **1. Кредитлаш хизматига доир операцияларни амалга оширишда Банк таркибий бўлинмаларининг вазифалари**

8. Банк тизимида мижозларга кредит ажратиш билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжатлари, Банк Кредит сиёсатига мувофиқ Бош банкда Кредит қўмитаси, андеррайтер, филиалларда эса Кредит комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

Банк мижозларига кредит ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш Кредит қўмитаси, андеррайтинг, филиалларда эса Кредит комиссияларининг мутлақ ваколатига киради. Кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилиш коллегиял орган (Кредит қўмитаси ва Кредит комиссияси) ваколатида бўлса, кредит сўровномаси биринчи андеррайтинг тизимидан ўтказилади ва қарор қабул қилиш учун коллегиял органга (Кредит қўмитаси ва Кредит комиссияси) қарор қабул қилиш учун тақдим этилади. Банк Бошқарувининг алоҳида қарори билан андеррайтинг хизмати ҳам кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

9. Бош банкда Кредитлаш хизмати кўрсатилишини ташкил қилиш ва унинг устидан назорат (мониторинг) юритиш Бизнес, андеррайтинг ва Кредитларни бошқариш билан шуғулланувчи тегишли таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади. Ушбу таркибий бўлинмаларнинг функция ва вазифалари алоҳида норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

10. Кредит ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳамда кредит шартнома шартларига ўзгартириш киритиш бўйича масалалар Банк Кредит қўмитасига киритилишидан аввал Кредитларни маъқуллаш департаменти томонидан кўриб чиқилади ва Кредит қўмитасига маълумот тақдим этади. Кредит ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича Риск менежмент хулосаси олиниши зарур.

Филиаллар томонидан Кредит қўмитага юборилаётган кредит сўровномаси биринчи бизнес билан шуғулланувчи тегишли таркибий бўлинмага юборилади, ушбу бўлинмалар томонидан ўзларининг функция ва вазифаларидан келиб чиқиб кредит сўровномаси кўриб чиқилади ва Кредитларни маъқуллаш департаментига тақдим этилади.

Мижозларни сегментларга ажратиш “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида мижозларни сегментларга ажратиш Тартиби”га асосан амалга оширилади. Ушбу Тартибга асосан бизнес йўналишида ишлайдиган бўлинмалар томонидан Кредит қўмитага киритилган масала ҳимоя қилинади .

11. Фоиз ўстирмаслик мақомини бериш кредит ажратиш қайси ваколат даражасида кўриб чиқилганидан қатъий назар “Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 1304, 2004 йил 24 январь)га асосан филиаллар томонидан амалга оширилади.

12. Зарур ҳолларда, Банк кредит портфелининг сифатини яхшилаш, муаммоли активлар бўйича қарздорликларни ундириш, филиалларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Банк Бошқаруви Раиси буйруғи билан алоҳида Ишчи гуруҳлар тузилиши, Бош Банк ходимлари филиалларга масъул этиб бириктирилиши мумкин.

13. Банк кредит портфели аудити Банк ички аудит хизмати томонидан амалдаги банк қонунчилиги ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида ўтказилади.

## **II. КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

### **1-§. Мижозларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби**

14. Мижозлар томонидан тақдим этилган ҳар бир аризани кўриб чиқиш қонунчилик ҳужжатлари, Банк Кредит сиёсати ва ушбу Тартиб талаблари асосида амалга оширилади (Корпоратив мижозларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби Банк



Бошқарувининг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида корпоратив мижозларга риск билан боғлиқ банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича вақтинчалик Тартиб”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади).

**15.** Банк филиали мижозларнинг Кредитлаш хизмати кўрсатилишини сўраб ёзган ҳар қандай ёзма мурожаатини қабул қилиб олиши ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқиш шарт. Кредитлаш хизмати кўрсатилиши бўйича аризалар электрон тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Агарда, мижоз Банкка оғзаки, телефон орқали ёки электрон ахборот воситалари орқали мурожаат қилган тақдирда, Банк томонидан оғзаки, телефон орқали ёки электрон ахборот воситалари орқали жавоб қайтарилади.

**16.** Банк филиалларида кредит ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати, кредитнинг турлари ва шартлари, амалдаги меъёрий ҳужжатлар матни ҳамда кредитлаш тартиби ва механизмининг соддалаштирилган шакли мижозлар учун ташкил қилинган бурчак (хона)да намуна сифатида осиб қўйилиши лозим.

**17.** Кредитлаш хизмати кўрсатилишини сўраб мижозлар Банк филиали раҳбарига Тартибнинг 1- иловасига мувофиқ тайёрланган ва имзоланган ариза билан мурожаат қилади. Филиал раҳбари ушбу ариза билан танишиб чиқиб, аризага танишув белгисини қўяди ва уни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун тегишли бўлимга йўллайди (Корпоратив мижозларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида корпоратив мижозларга риск билан боғлиқ банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича вақтинчалик Тартибига асосан амалга оширилади).

Банкнинг ҳар бир филиалида “Мижознинг кредитлаш хизмати кўрсатиш ҳақидаги аризаларини рўйхатга олиш” махсус китоби, албатта, юритилган бўлиши лозим. Махсус китоб рақамланган, тикилган, филиал раҳбари, бош бухгалтери ва Кредитлаш билан боғлиқ тегишли бўлим бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда филиал муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Кредитлаш билан шуғулланувчи тегишли бўлинма ходими қарз олувчи аризасини махсус Китобда рўйхатга олади.

Кредитлаш бўлимлари масъул ходими мижозлар аризасини махсус китобда рўйхатга олади. Махсус китоб филиал кредитлаш бўлимларида сақланади. Ушбу китобнинг белгиланган тартибда юритилиши ва сақланишига кредитлаш бўлимлари бошлиғи масъул бўлиб ҳисобланади.

**18.** Банк филиалига/Корпоратив бизнес департаментига кредитлаш хизмати кўрсатилишини сўраб мижозлар томонидан Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ ҳужжатлар (стандарт ҳужжатлар тўплами) тақдим этилади. Банк Кредитлаш хизмати кўрсатилишини сўраб мурожаат қилган мижозлардан кредит ҳужжатларини юритиш учун зарур бўлган ахборотни талаб қилиб олиши мумкин.

Бундан ташқари, модулли кредитларни ажратиш бўйича керакли бўлган ҳужжатлар айнан шу турдаги кредитлар учун ишлаб чиқилган тартибнинг иловаларида кўрсатиб ўтилиши лозим.

**19.** Кредитлаш хизмати бўйича ҳужжатлар тўпламини шакллантириш жараёни ва унинг таҳлили қуйидаги босқичларга бўлинади:

1) мижозлар аризаларини ва бошқа тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва мижозлар билан суҳбатлашиш, бўлғуси қарз олувчини унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мақсадида ўрганиш;

2) “Кредит-ахборот таҳлилий маркази кредит бюроси” МЧЖ маълумотлар баъзасидан кредитлар тўғрисидаги маълумотларни олиш.;

3) Лойиха амалга ошириш жойи ва гаровга қуйилаётган мулкни фотосуратлари (кредитлаш билан шуғулланувчи тегишли ҳодим жойига чиққан холда фотосуратлар олиши шарт)

4) кредитлаш хизмати баҳосини (фоизини) аниқлаш;

5) чет эл банклари кредит линияси орқали молиялаштириладиган инвестицион лойиҳалар бўйича, чет эл банкининг дастлабки розилигини олиш;

б) кредитлаш хизмати кўрсатиш масаласини филиал Кредит комиссияси/Банк Кредит кўмитасида кўриб чиқиш;

7) чет эл банклари кредит линияси орқали молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар бўйича, чет эл банклари билан индивидуал қарз шартномасини тузиш;

8) кредитлаш хизматига оид шартномаларнинг лойиҳасини тайёрлаш, уларни тузиш ва расмийлаштириш.

**20.** Кредитлаш хизмати кўрсатилиши учун мижоз ўзининг молиявий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидагилар бўйича таҳлил қилиши керак:

ўз маҳсулотларини сотиш бозорини (талаб ва таклифни ўрганиш) мавжудлиги;

товар-моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ёки хизматлари учун олинadиган шартномаларнинг мавжудлиги;

кредитланадиган тадбирнинг самарадорлиги;

қарз олувчининг ҳисобварағига пул маблағларининг мунтазам тушиб туриши, кредит ва у бўйича фоизларни тўлаш манбалари;

кредит учун тўланиши мумкин бўлган ҳақ ва унинг даврийлиги ҳисоб-китоби;

олдинги давр (йил, йил чораги, ой) мобайнидаги молиявий-хўжалик фаолиятининг ретроспектив таҳлили.

## **2-§. Мижозларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш**

**21.** Кредит йиғмажилдини тайёрлаш билан шуғулланаётган Банк ходими тақдим этилган ҳужжатларни ва тўпланган ахборотни ўрганиб чиққандан сўнг Тартибнинг 3 - иловасида кўрсатилган шаклда хулосани тайёрлайди.

Хулосада кредитлаш бўйича тегишли ходимнинг кредитлаш хизмати кўрсатилиши ёки уни рад этилиши бўйича аниқ тавсияси кўрсатилган бўлиши лозим.

**22.** Кредитлаш хизмати кўрсатилиши бўйича кредит билан шуғулланувчи маъсул ходим хулосаси филиалнинг Кредит комиссияси муҳокамасига киритилишидан олдин андеррайтерга кўриб чиқиш учун юборилади ҳамда кўриб чиқилади. Комиссия ёки андеррайтер муҳокамасига (филиал ваколатидан юқори кредитлар бўйича Кредит кўмита) киритилган масала юзасидан ижобий қарор қабул қилингандан сўнг, Кредитлаш хизматини кўрсатиш бўйича шартномалар “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва унинг ижроси билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га ҳамда кредитлаш бўйича қарор қабул қилиш муддатларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилади.

Банк филиали/андеррайтер ўз ваколати доирасида бир қарздор ва ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳи бўйича кредитлаш юзасидан белгиланган кредит миқдори (лимит) доирасида мустақил равишда қарор қабул қилади. Комиссия/андеррайтер томонидан мижоз аризасини рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда, мижозга рад этишнинг асосли сабаблари кўрсатилган ҳолда филиал раҳбари томонидан имзоланган ёзма хабар берилади.

Мижоз томонидан сўралаётган кредитлаш хизмати филиал ваколатидан юқори бўлса кредит ҳужжатлари тўплами минтақавий филиалга, минтақавий филиал ваколатидан юқори бўлган ҳолларда кредитлаш хизмати ҳужжатлари тўплами кўриб чиқиш учун филиал томонидан тўғридан-тўғри Бош банкка юборилади.

Шунингдек филиалларга берилган ваколатлардан бошқа шартларда кредитлаш хизмати ва кредитлаш шартларига ўзгартириш киритиш масаласи филиаллар томонидан тўғридан тўғри Кредит кўмитасига юборилади. Бунда қуйи филиаллар томонидан дастлаб минтақавий филиалга мурожаат этилмайди.

Корпоратив мижозлар учун кредит ва унга тенглаштирилган операциялар Банк Бошқарувининг “Ўзсаноатқурилишбанк АТБ тизимида корпоратив мижозларга риск билан боғлиқ банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича вақтинчалик Тартиби”да кўрсатилган кетма кетликда амалга оширилади.

Кредит ажратишда мижознинг кредит тарихини Кредит-ахборот таҳлилий маркази кредит бюроси (КАТМ) ҳамда Банкнинг тегишли дастурий таъминоти “Кредит тарихи” модули маълумотидан фойдаланиш зарур.

23. Мижоз томонидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг унинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ҳужжатлар йиғмажилдини тўлиқ ўрганиш ҳамда кредитлаш бўйича мос равишда қарор қабул қилиш амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Тартибда кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

### **3-§. Кредитлаш хизматига доир ҳужжатларнинг расмийлаштириш тартиби**

24. Филиал Кредит комиссияси/андеррайтернинг (филиал ваколатидан юқори кредитлар бўйича Кредит кўмита) ижобий қароридан сўнг, кредитлаш хизмати бўйича шартномалар тузилади.

Асосий қарзни тўлов графиги бевосита кредит хизмати бўйича шартномадаги ёки шартнома билан бир вақтда имзоланадиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова кўринишида тасдиқланади.

Кредитлар бўйича тўловлар кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатига тақсимланган ҳолда бўлиб-бўлиб ёки битта муддатда тўланади. Тўловлар миқдори ва даврийлиги кредит шартномасида белгиланади.

### **4-§. Кредитлаш хизматига оид шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизаси**

25. Банк филиалларида мижозлар билан тузилаётган барча Кредитлаш хизмати билан боғлиқ шартномалар лойиҳаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан филиал юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди. Агар филиал юридик хизматида фақат битта ходим фаолият юритаётган бўлса, унинг ишда бўлмаган (меҳнат таътили, хизмат сафари ва б.) даврида тегишли лицензияга эга бўлган юридик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартнома асосида юрист/консултант жалб қилинишига рухсат этилади.

Шунингдек, бундай ҳолларда географик жиҳатдан яқин масофада жойлашган Банк филиали ҳуқуқшунос маслаҳатчилари билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тузиш орқали юридик хизмат вазифаларини амалга оширилишига йўл қўйилади. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш вақтинча ишда бўлмаган ҳуқуқшунос-маслаҳатчи олаётган ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб, ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан шартнома тарафлари хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқдан кенг фойдаланиб, Кредитлаш хизматига оид шартномалар имзоланишдан аввал, мижоз (бошқа тараф)нинг таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав, низом ва в.б.) ва бошқа ҳужжатлари ўрганиб чиқилиши лозим. Бунда *уларнинг* шартномалар тузишга ва имзоланишга ваколатлари мавжудлиги, тегишли бошқарув органлари (мулкдорлари) розилиги олинганлигига, айниқса, кафиллик ва гаров (ипотека) шартномалари тузилишида алоҳида эътибор берилиши керак.

26. Кредитлаш хизматига оид шартномалар лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун кредит билан шуғулланувчи тегишли ходим филиал юридик хизмати ходими ёки жалб этилган адвокатга мижознинг шартнома тузишга ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар билан бирга тақдим қилинади. Филиал юридик хизмати ходими ёки жалб этилган адвокат шартнома лойиҳаси ва тегишли ҳужжатларни амалдаги қонунчилик, Банк Кредит сиёсати, мазкур Тартиб ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва уни ижроси билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар” талаблари асосида ўрганиб чиқиб, шартнома лойиҳасига виза (имзо) қўяди.

Шартнома тарафларининг талаби билан айрим ҳолларда шартнома тузиш учун филиал юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатнинг ёзма хулосаси олинishi мумкин.

Бунда хулосада қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;



хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

### **5-§. Кредитлаш хизмати кўрсатилишида ссуда ҳисобварағини очиш ва ёпиш шартлари ҳамда тартиби**

**27.** Кредитлаш хизматига оид барча шартномалар тузилгандан сўнг, филиал бухгалтериясига кредит (лизинг) муддати, миқдори ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисобварағи очиш тўғрисида филиал раҳбари томонидан имзо қўйилган фармойиш берилади.

Қарздорларга ссуда ҳисобварағи очилишининг мажбурий шартлари куйидагилар бўлиб ҳисобланади:

а) кредит учун зарур бўлган барча ссуда ҳисобварақларини очиш ҳақидаги фармойишнинг мавжудлиги;

б) ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган Кредит комиссияси/Кредит қўмитасининг баённома-қарори нусхаси;

в) кредит шартномаси.

Банк филиалларида ссуда ҳисобварақларни тўғри очилишини доимий назорат қилиб бориш филиал раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ сўндирилганда, шунингдек кредит кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилганда, кредит учун очилган захира ҳисобварағидан ташқари, ссуда билан боғлиқ барча ҳисобварақлар кредитлаш бўлимининг тегишли фармойишига асосан ёпилиши лозим.

### **6-§. Кредитлаш хизматига доир ҳужжатларни сақлаш тартиби**

**28.** Ҳужжатлар кредитлаш хизматига оид тузилган шартномага асосан миждознинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунга қадар сақланади. Ҳар бир миждоз бўйича иккита йиғмажилд тўплами юритилади:

1) кредит (лизинг, факторинг, кафолат) ҳужжатлари (йиғмажилди) тўплами;

2) кредит мониторингига оид ҳужжатлар (йиғмажилди) тўплами.

Биринчи йиғмажилдда кредит ажратиш билан боғлиқ ҳужжатлар сақланса, иккинчи йиғмажилдда кредит мониторингига тааллуқли ҳужжатлар ҳамда миждоз билан ёзишмалар сақланади (Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар учун барча ҳужжатларни битта йиғмажилдда юритилиши ҳам мумкин).

Ҳар иккала ҳужжатлар тўпламига титул муқоваси расмийлаштирилиб, унда қарздорнинг номи, кредит (лизинг, факторинг, кафолат) суммаси, берилган вақти ва муддати кўрсатилади. Ҳужжатлар йиғмажилдининг биринчи варағида ҳужжатлар рўйхати (мундарижаси) ёзилиб, унда ҳар бир ҳужжат номи ва варақлар сони кўрсатиб қўйилади. Ҳужжатлар йиғмажилдидан ҳужжатларнинг асли олинганда, уларни олиш учун асос бўлган ҳужжат (фармойиш, буйруқ) мазкур йиғмажилдга тикиб қўйилиши лозим.

**29.** “Кредит ҳужжатлари тўплами” ва “Кредит мониторингига оид ҳужжатлар тўплами” асосий ҳужжатлар тўплами бўлиб, унда 4-иловада келтирилган ҳужжатлар келтирилган кетма-кетликда тикилиб борилиши лозим.

**30.** Миждозга кредитлаш хизмати кўрсатиб бўлингандан сўнг (кредитнинг тўлиқ/дастлабки қисми шартнома асосида ўтказиб берилгандан сўнг) 3 банк иш куни ичида барча кредитлашга боғлиқ бўлган ҳужжатлар тўплами филиал Мониторинг иши билан шуғулланувчи бўлинма бошлиғига қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали топширилади. Бунда кредит йиғма жилдлари ушбу Тартибнинг тегишли иловаларига қатъий риоя қилган ҳолда тўғри ва тўлиқ шакллантирилганлиги мониторинг билан шуғулланувчи тегишли бўлими ходими томонидан жойида текшириб олинishi керак. Йиғмажилдда асосланган камчиликлар аниқланганда мониторинг бўлими ходими йиғмажилдни қабул қилишни рад этади ва рад этиш сабаби кўрсатилган билдиришномани филиал раҳбарига

киритади. Филиал раҳбари билдиришномага асосан бўлинма бошлиғига (ёки вазифани бажарувчи шахсга) ҳамда масъул ходимга 3 банк иш куни ичида бартараф этиш чорасини кўриш бўйича топшириқ беради. Камчилик бартараф этилгандан сўнг йиғмажилд юқорида кайд этилган тартибда топширилади.

Хужжатларнинг сақланиши ҳолати мунтазам равишда филиал раҳбари, филиал Мониторинг бўлимига масъул раҳбар ўринбосари ва Мониторинг билан шуғулланувчи бўлим бошлиғи томонидан назорат қилиб борилади.

Кредит хужжатлари тўплами ва мониторинг хужжатларнинг асл нусхаси тегишли Мониторинг бўлими жавобгарлиги остида унга бириктирилган металл сейфда сақланади (Амалдаги қонунчилик ва ички меъёрий хужжатларда белгиланган тартибга асосан банкнинг қимматликлар сақлаш омборхонасида сақланадиган хужжатларнинг нусхаси ушбу йиғма жилдда сақланади).

Сейф калити тегишли мониторинг бўлими бошлиғида сақланади ва у хужжатларнинг сақланиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади. Мониторинг бўлими бошлиғи ўз ўрнида бўлмаганда, хужжатларнинг сақлаш унинг вазифасини бажарувчи масъул ходимга юклатилади.

**31.** Таъминотга тегишли хужжатлар (гаров, кафиллик шартномалари, қайтармаслик ҳолатидан суғурта қилинганлик полиси ва шартномалари, кафолат хатлари) белгиланган тартибда Банкнинг қимматликлар сақлаш омборхонасида сақланади. Ушбу хужжатларнинг нусхалари белгиланган тартибда хизматда фойдаланиш учун асосий кредит хужжатлари билан бирга сақланади.

Кредит хужжатларини сақлаш бўйича жавобгар шахснинг ишдан бўшаши, меҳнат таътилига чиқиши ва бошқа сабабларга кўра вақтинча ишда бўлмаган ҳолларда кредит хужжатлар йиғмажилдлари буйруқ асосида бошқа ходимга топширилади. Бу ҳақда қабул қилиш топшириш далолатномаси расмийлаштирилади. Далолатномада кредит хужжати қайси мижозга тегишли эканлиги ҳамда ҳар бир хужжат тури аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

**32.** Мижоз томонидан шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилгандан сўнг (хужжатлар сақланишининг иккинчи босқичи), Кредитлаш хизмати оид хужжатлар белгиланган тартибда Банк архивига сақлаш учун топширилади.

Мазкур босқичда, яъни Кредитлаш хизмати бўйича тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгандан кейин, Банк кассасидан гаров, кафиллик шартномалари, кафолат хати, суғурта полиси асл нусхалари фармойиш асосида олинади ва улар ҳам бошқа хужжатлар билан биргаликда Банк архивига топширилади.

Хужжатларни Банк архивига топшириш ва сақлаш “Архив иши тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисида”ги Қоида (рўйхат рақами: 841, 1999 йил 25 ноябрь), “Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган хужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича Кўрсатма” (рўйхат рақами: 951, 2000 йил 26 июль) ҳамда Банкнинг ички меъёрий хужжатларига асосан ташкил қилинади.

### **III. КРЕДИТЛАШ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА ТАЪМИНОТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

#### **1-§. Таъминотга қўйиладиган умумий талаблар**

**33.** Кредитлаш хизмати кўрсатилишининг асосий тамойили ва шартларидан бири таъминланганликдир. Кредитлаш хизмати бўйича қарздорликларни қайтаришнинг асосий бирламчи манбаи бу - маҳсулот сотишдан, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш (кредитланаётган операция)дан тушган тушум (мижознинг пул оқими) ҳисобланади.

Кредитлаш хизматлари кўрсатилишида улар бўйича қайтмаслик хатари (таввакалчилик)ни камайтириш мақсадида қўшимча (иккиламчи) таъминот тарзидаги қайтариш манбаси мавжуд бўлиши лозим (ишончли кредитлардан ташқари).

Кредитлаш хизмати кўрсатилиши тўғрисидаги қарор биринчи навбатда иккиламчи таъминотнинг яъни гаров, кафолат ёки кафилликнинг жозибадорлигига асосланмаслиги керак. Агар кредитланаётган битим юқори хатар, қарздорнинг ишончсизлиги билан боғлиқ бўлса, фақатгина яхши таъминот мавжудлиги асосида кредитлаш хизмати кўрсатилиши тавсия этилмайди.

**34.** Кредитлар асосан кредит суммасини 80 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ликвид мол-мулк гарови остида ажратилади. (Хукумат қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сонли қарори талаблари асосида берилаётган кредитлар бундан мустасно)

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда кредит ҳисобидан харид қилинадиган асосий воситалар сотиб олинганда, дастлабки ликвидли мол-мулк гаров таъминоти суммаси ажратилиши режалаштирилаётган кредит суммасининг 65 фоизи миқдорида таъминланиши шарт.

**35.** Кредитлаш хизмати бўйича таъминот асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар бўйича барча суммани қоплашга етарли бўлиши, яъни таъминотнинг миқдори кредит суммасидан камида 125 фоизни ташкил этиши лозим (модулли кредитлар бундан мустасно).

Бунда банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар бўйича таъминот Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 44-моддаси ва “Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 2706, 2015 йил 5 август) талаблари асосида қабул қилиниши керак.

Кредит таъминоти қабул қилинишидан ва тегишли шартномалар расмийлаштирилишидан аввал, албатта, гаровга кўювчи, кафолат берувчи, кафил корхоналар ва уларнинг бошқарув органларида мулкни гаровга қўйиш, кафолат ва кафилликлар бериш бу ҳақда тегишли шартномаларни имзолашга ваколати мавжудлиги амалдаги қонунчилик ва уларнинг таъсис ҳужжатлари асосида текширилиши лозим. Бунда мулкни гаровга қўйиш, кафолат ва кафилликлар бериш юзасидан корхоналарнинг тегишли бошқарув органлари розилиги олинишига катта эътибор берилиши керак.

Таъминотга оид барча шартномалар амалдаги қонунчилик ва Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган “Кредитлаш билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га риоя қилинган ва уларга илова қилинган шартномаларнинг намунавий шаклларида фойдаланган ҳолда тузилиши лозим.

**36.** Банк томонидан ажратилаётган кредитлар таъминоти сифатида асосан юқори ликвидли мол-мулк гарови қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, шу сабабли ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади.

**37.** Таъминот расмийлаштиришга доир барча ҳаракатлар (шартнома тузиш, гаровга қўйилаётган мулкни суғурталаш, нотариал тасдиқлаш, ипотека ва бошқа шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқа ишлар) Банк томонидан кредит маблағлари берилгунча амалга ошириши керак. (Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш Дастурларига асосан ажратиладиган имтиёзли ипотека кредитлари бўйича гаров таъминоти ЎЗР ВМнинг 23.10.2018 йилдаги 856-сонли қарорига ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан гаровга олинад).

Айрим ҳолларда, яъни кредит (кафолат) ҳисобига сотиб олинаётган, қурилаётган объектларнинг гарови тегишли шартнома тузилгандан ва кредит (кафолат) берилгандан кейин расмийлаштирилиши мумкин. Бунда аниқ муддат кўрсатган ҳолда сотиб олинаётган, қурилаётган объектлар гарови расмийлаштирилиши ҳақидаги шартларни кредитлаш хизматлари бўйича шартномасида белгилаб қўйиш керак.

Кредитлаш хизматлари бўйича таъминоти сифатида пул маблағлари гарови тақдим этилганда, ушбу пул маблағлари алоҳида “бошқа мажбуриятлар” баланс ҳисобварағига кирим қилинади ва мижознинг банк олдидаги мажбуриятлари тўлиқ бажарилгандан сўнг ёки мажбурият бекор қилинганда чиқим қилиниши мумкин.

**38.** Кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилган гаров, кафиллик, суғурта полиси билан боғлиқ ҳужжатлар ҳисоби кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қабул қилинган таъминот суммасида кредит ва фоизлар тўлиқ сўндирилгунга қадар юритилади.

Бунда улар Кредитлаш хизмати бўйича биринчи тўловлар амалга оширилган (кредит суммаси ажратилган) кундан кечикмасдан тегишли ҳисобварақларга кирим қилиниши шарт.

Кредит берилгандан сўнг банк омборхонасига қуйидаги ҳужжатлар кирим қилиниши лозим:

- Гаров шартномаси асл нусхаси;
- Тақик;
- Кафиллик шартномаси;
- Кредит қайтмаслик хавфи олдини олиш ҳолатидан суғурта қилинганлиги шартномаси ва полиси асл нусхалари.

Қолган кредитга таълуқли бошқа ҳужжатлар 93609 ҳисоб рақамига 1 сўм қиймати ҳисобида кирим қилинади.

## **2-§. Мулк гаровига қўйиладиган талаблар**

**39.** Гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги ва “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солинади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулк хуқуқлар (талаблар) гаров нарсаи бўлиши мумкин.

**40.** Амалдаги қонунчилик ва қонуности ҳужжатларида гаровга қўйилиши тақиқланган ёки чекланган объектлар гаров нарсаи бўла олмайди (гаровга олинмайди):

муомаладан чиқарилган мол-мулклар, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар;

тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган ва рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган объектлар;

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар;

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарорига асосан ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулклари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 майдаги “Давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари нуқтаи назаридан гаров ва ипотека қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар тоифалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги 114-сонли қарори билан тасдиқланган объектлар.

**41.** Банк тизимида қуйидаги мулкларни гаровга олиш тавсия қилинмайди:

1) мулк хуқуқи лозим даражада расмийлаштирилмаган бино ва иншоотлар;  
2) корхона ва ташкилотлар ичида жойлашган ва алоҳида чиқиш йўлига эга бўлмаган бино ҳамда иншоотлар;

3) қурилиш норма ва қоидаларга риоя қилинмасдан қурилган бинолар жумладан, қисман ёки тўла хом-ғишт, пахса, синч каби қурилиш маҳсулотлари ишлатиб қурилган бино ва иншоотлар;

4) таъмирлаш ва сақлаш харажатлари катта бўлган ёки 60 фоиздан ортиқ эскириш қийматига эга ёки авария ҳолатидаги бино ва иншоотлар;

5) коммуникация ва инфраструктура тизими ривожланмаган ҳудудларида жойлашган бинолар ва иншоотлар;

6) тегишли кадарстр ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, қурилиши яқунланмаган бино ва иншоотлар (қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

7) келгусида бузилиши ёки қайта қурилиши кутилиётган бино ва иншоотлар;

8) жуда тор доирада фойдаланишга мўлжаллаганган мулклар (мини-цех, ускуналар, станоклар ва бошқалар);

9) жисмоний ва маънавий эскирган, тўлиқ ёки қисман носоз ҳолатдаги машина, жиҳоз ва ускуналар;

10) ўғирлаш, ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ёки бошқа шаклда бегоналаштирилиши оқибатида сифат хусусиятларига кўра таниб олиш қийин бўлган мулклар (қурилиш материаллари, кенг истеъмол моллари, қисмларга бўлинадиган бошқа мулклар);

11) тез бузиладиган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, талаб кам бўлган товар-моддий бойликлар ва кўп миқдордаги бир хил турдаги товарлар;

12) маълум муддат сақлашга мўлжалланган товарлар ва кўрсатилган муддатда истеъмол хусусиятлари ёмонлашадиган товарлар;

13) ягона ер участкасида жойлашган ва бир неча мулкдорларга тегишли объектлар;

14) сув ва ҳаво, темир йўл транспорти воситалари.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан чиқарилган акция Банк томонидан кўрсатиладиган Кредитлаш хизматлари бўйича гаровга олиниши тақиқланади.**

**42.** Мол-мулк тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи билан бириктириб қўйилган корхонанинг мол-мулклари, шу мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган органнинг розилиги билан умуман корхона, мулкый мажмуалар сифатида унинг тузилмалари ва бўлинмаларини, шунингдек алоҳида бинолар ва иншоотларни гаровга олиш мумкин.

Унитар корхонанинг хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилиги билан гаровга олишга йўл қўйилади.

Ўзига тегишли мол-мулкни бевосита идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса (ташқилот) ўзига рухсат этилган хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига орттирилган ашёлар ёки ҳуқуқларни гаровга беришга ҳақлидир.

Умумий ва биргаликдаги мулклар ушбу мулкнинг барча эгаларининг қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этилган розилиги билан гаровга олиниши мумкин.

**43.** Гаровга тақдим этилаётган кўчар ва кўчмас мулклар қуйидаги шартлар асосида гаровга қабул қилиниши мумкин:

**а) кўчар мулк гарови:**

Автотранспорт воситаларини гаровга олишда уларнинг йиллик эскириш даражасини ҳисобга олиш зарур. Гаровга олинган автотранспорт воситалари бошқа суғурта ҳолатлари билан бирга “Йўл транспорт ходисаси” ҳолатидан ҳам мажбурий тартибда суғурталаниши керак.

Бунда гаров шартномаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Ускуналар гарови тақдим этилаётганда усқунанинг ҳар бир бирлигига техник паспортнинг асл нусхаси мавжуд бўлиши лозим.

Дастгоҳ, асбоб-ускуна ва қурилма гарови тақдим этилаётганда уларнинг ҳолати, ишлатилиш муддати ва эскириш ҳажми ҳисобга олиниши лозим.

3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар таъминоти сифатида–қимматликлар, қимматбаҳо тошлар, юқори тамғали (проба) қимматбаҳо металлар ва ундан ясалган буюмлар гарови, тегишли рухсат ва баҳоланган бўлган ҳолда, Банкда сақлаш шарти билан гаровга қабул қилиниши мумкин.

Корхона айланмасидаги (муомаладаги) товарлар гарови – фақатгина қисқа муддатли кредитлар бўйича, юқори ликвид товарлар (узоқ муддат сақланиши мумкин бўлган) қабул қилиниши мумкин. Бунда корхона омборидаги товарлар қолдиғи кредитни таъминлаш учун етарли миқдордан камаймаслиги лозим. Мазкур шартга риоя этмаслик ҳолатлари кредитнинг қайтарилмаган суммасини муддатидан олдин ундириб олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

## **б) Кўчмас мулк гарови (ипотека):**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бино, иншоотлар, турар уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқа кўчмас мулклар, улар жойлашган ер участкалари (хуқуқлари) билан биргаликда гарови тақдим этилаётганда, кредитнинг максимал муддати объект баҳоланган фойдали (қолган) фойдаланиш (хаёти) муддатидан кам бўлиши зарур.

Бутун корхона гарови тақдим этилаётганда, унинг фаолияти учун мўлжалланган барча турдаги мулклар, жумладан, муҳандислик коммуникациялари, ер участкалари, бино, иншоот, ускуна, инвентар, хом-ашё, маҳсулот, талаб ҳуқуқи ва бошқаларни гаров қамраб олиши лозим.

Агар яхлит мажмуага тегишли мулкнинг бир қисми гаров сифатида тақдим этилаётганда, ушбу мулкнинг сотиш имонияти мавжудлигига, гаровга қўювчига тегишли бўлган битта ҳудудда жойлашган бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳар хил мол-мулклар (бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар ва б.) гаровга олинган тақдирда, мазкур мол-мулклар яхлит ҳолда мулкый мажмуа сифатида гаровга олинишига эътибор қаратиш керак.

Бино-иншоот ипотекасида улар жойлашган ер участкасини ҳам биргаликда гаровга олиш, ипотека шартномасида аниқ ер участкаси ва унинг миқдорини кўрсатилиши, фақат кўчмас мулк эгаллаб турган ер участкаси ва участканинг гаровга қўйилаётган объект ишлашини таъминлайдиган қисмигина эмас, балки кадастр хизмати томонидан берилган гувоҳномага асосан гаровга қўювчига тегишли бўлган ер участкасини тўлалигича гаровга олиш мақсадга мувофиқдир.

**44.** Мол-мулк гарови таъминот сифатида қабул қилинишида қуйидагилар амалга оширилади:

гаровга тақдим этилаётган мулкларни бевосита жойга чиққан ҳолда кўздан кечириш, уни фотосуратга/видеотасвирга тушириш;

гаровга таклиф қилинган мулк “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисидаги” ва “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонунларга, Банк Кредит сиёсати ва мазкур Тартибга мувофиқ гаровга олиниши мумкинлигини ҳамда гаровга қўювчининг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари (олди-сотди шартномаси, ҳадя, мерос, мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар)ни ўрганиш;

гаровга қўювчининг таъсис ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларини ўрганиш, бунда мулкни гаровга қўйишга, унинг вакилларининг гаров шартномасини имзолашга ваколати ва ҳуқуқи мавжудлиги, таъсисчилари/мулкдорлари томонидан тақиқ ва чеклашлар йўқлигига, тегишли бошқарув органлари/мулкдорлари розилиги олинганлигига эътибор қаратиш;

гаровга таклиф этилаётган мулк бошқа мажбурият, таъқиқ, чекловлардан озод эканлигини аниқлаш;

гаров нарчасини узоқ муддат сақлаш имкониятларини кўриб чиқиш, жисмоний, функционал, ташқи, маънавий эскириш омилларини ўрганиш;

гаровга қўйилган мулкка баҳонинг нисбатан барқарорлиги ёки ўзгарувчанлигини, истеъмол чегараларини таҳлил қилиш (кенг оммавий ёки тор истеъмол).

**45.** Гаровга қўйилаётган мулк гаров шартномаси расмийлаштирилиши олдидан мажбурий тартибда кредит муддатига мутаносиб равишда Банк фойдасига суғурталаниши лозим. Бунда суғурта шартномаси кредитнинг бутун даврига тўлиқ муддатига расмийлаштириб, суғурта тўловлар бўлиб бўлиб тўлаш мумкин.

**46.** Автомототранспорт воситалари гарови шартномаси нотариал тасдиқлангандан кейин тақиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тегишли ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга қўйилиши таъминланиши керак.

Ипотека шартномаси (кўчмас мулк гарови) нотариал тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри Давлат қўмитасининг тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш бўлинмаларида мажбурий рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Ипотека шартномасида қуйидаги муҳим шартлар, албатта, кўрсатилишини таъминлаш керак:



номи, турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаи (объекти), унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбурият (кредит, лизинг)ни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек тарафлар келишувга эришган бошқа маълумотлар;

ипотека нарсаи бўлган мол-мулк ипотекага қўювчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва ипотекага қўювчининг бу ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг номи;

ипотека билан таъминланадиган мажбурият (кредит лизинг, кафолат)нинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиш муддати, бу мажбурият юзага келишига асос бўлган шартнома (кредит, лизинг, кафолат бериш шартномаси)нинг тарафлари, тузилган санаси ва жойи;

агар ипотека билан таъминланадиган мажбурият (кредит, лизинг) қисмларга бўлиб бажарилиши лозим бўлса, тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ва уларнинг миқдорлари ёки бу миқдорларни аниқлаш имкониятини берадиган шартлар (кредит бўйича асосий қарз суммаси кредит шартномасида белгиланган график асосида қайтарилишини ипотека шартномасида кўрсатиб ўтиш зарур).

Шу сабабли, ипотека шартномалари нотариуслар томонидан таклиф этилган (тайёрланган) шартнома шакли асосида эмас, балки Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган “Кредитлаш билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га илова қилинган ипотека шартномасининг намунавий шаклларида фойдаланган ҳолда тузилиши лозим.

Банк номидан ипотека шартномаларини нотариал идораларда (нотариуслар ҳузурида) тузишда филиал раҳбарининг ўзи ёки унинг номидан берилган ишончнома асосида филиал ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси ёки фақат малакали ходимлар иштирок этишлари керак.

Ипотека шартномасини имзолашдан аввал, шартнома матни билан яна бир бор танишиб чиқиш, шартномага унинг муҳим шартлари киритилганлигига, шартнома “Кредитлаш билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га илова қилинган шартномаларнинг намунавий шаклидан фойдаланган ҳолда тузилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш, гаровга қўювчининг вакиллари имзолаш ваколатлари мавжудлиги ва тегишли бошқарув органлари (мулкдорлар) розилиги олинганлиги такроран текшириш зарурдир.

Ипотека шартномаси имзоланиб, нотариус томонидан тасдиқлангандан сўнг, мазкур шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш ва гаров нарсаи таъқиқ қўйилишида филиал ходимлари бевосита иштирок этишлари ва бу жараёни назорат қилишлари керак.

**47.** Гаровга қўйилган мулкнинг бут сақланаётганлиги мажбурий тартибда ҳар чоракда камида бир марта Банк филиали ходимлари томонидан мониторинг ўтказилиши лозим. Мониторинг ўтказилиши натижалари бўйича гаровга қўйилган мулк қийматининг камайиш ҳолатлари аниқланган ҳолда қўшимча таъминот талаб этиш ҳуқуқига эга.

**48. Қимматли қоғозлар гарови.** Қимматли қоғозлар (давлат қимматли қоғозлари, бошқа эмитентларнинг акциялари, облигациялари ва депозит сертификатлари) ҳам Кредитлаш хизматлари бўйича гаровга олиниши мумкин.

Қимматли қоғозлар гаровга олинишида уларнинг ликвидлиги, даромадлиги юзасидан Банкнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бошқармасининг ҳулосаси олиниши лозим.

Акциядорлик жамияти қимматли қоғозлар (акция бўлса ёки унга тенглаштирилган қимматли қоғозлар)ини гаровга олишдан олдин ҳар бир акциядорларнинг ёзма розилигини олиш ҳамда ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти қимматли қоғозларини гаровга қўйиш тўғрисидаги акциядорлар йиғилиши баённомасидан кўчирма олиш керак.

**49.** Нақд шаклда (ҳужжатли шаклда) чиқарилган қимматли қоғозлар гаровга олинганда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда мазкур қимматли қоғозларни сақлаш учун Банк филиалига топширилиши керак. Бунда гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчидан гаровга олувчи ихтиёрига бериладиган гаров - закат шартномаси тузилади.

Нақдсиз шаклда (ҳужжатсиз шаклда) чиқарилган қимматли қоғозларни гаровга олиншидан аввал, хизмат кўрсатилаётган Депозитарийдан “ДЕПО” ҳисобварағидан кўчирма олиниб, ҳақиқатдан ҳам қимматли қоғозлар мавжудлиги, улар гаровга олувчига тегишлилиги ва чекловлар йўқлиги ўрганиб чиқилади. Нақдсиз шаклда (ҳужжатсиз шаклда) чиқарилган қимматли қоғозлар гарови шартномаси қуйидагича рўйхатга олинади:

агар гаровга қўйилаётган қимматли қоғозлар давлат ташкилотлари эгалигида бўлса - Марказий депозитарийда;

агар гаровга қўйилаётган қимматли қоғозлар бошқа юридик ва жисмоний шахслар эгалигида бўлса – иккинчи даражали Депозитарийда.

қимматли қоғозлар гаровга олиниб, гаров шартномаси рўйхатга олингандан сўнг, гаровга қўювчининг “ДЕПО” ҳисобварағидан гаровдаги қимматли қоғозларга таъқиқ (блокировка) қўйилганлиги ҳақида кўчирма олинши зарур.

Кредит ва фоизлар бўйича қарз тўлиқ тўланганидан кейингина қарз олувчи гаровга қўйган қимматли қоғозлар унга қайтариб берилади/таъқиқдан ечилади.

**50.** Қимматли қоғозлар гаровга олиниб, Кредитлаш хизмати кўрсатилганда, қарз олувчининг ҳамда қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий аҳволи мониторинг қилинади ва агар зарурат бўлса, қарз олувчидан кредит қайтарилишини ёки гаров суммаси кўпайтирилиши талаб қилинади. Банк қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилаётганида қарз олувчининг молиявий аҳволи ва кредит қобилиятини таҳлил қилиш билан бирга кредитни таъминлаш учун олинаётган қимматли қоғозларнинг сифати ҳамда қимматли қоғозларнинг баҳосига доир хатар даражаси баҳоланади.

Давлат қимматли қоғозлари гаровга олинаётганда кредитнинг максимал суммаси гаров предмети гаров қийматининг 90 фоизигача етиши мумкин.

**51.** Фонд бозорида сотиб олинган бошқа қимматли қоғозлар гаровга қўйилаётганда, кредитнинг максимал суммаси қимматли қоғозларнинг баҳоси хатарларини ҳисобга олган ҳолда шу кундаги ва келгусидаги қиймати таҳлили бўйича белгиланиши керак.

Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати ўзгариб туриши хатари мавжудлиги муносабати билан, берилаётган кредит суммаси, агар бу қимматли қоғозлар Фонд биржасининг расмий листингига киритилган бўлса, қимматли қоғозлар бозор қийматининг 70 фоизидан ошмаслиги, бошқа қимматли қоғозлар учун эса уларнинг бозор қийматидан ошмаслиги ҳамда номинал қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Фонд биржаси расмий листингига киритилмаган, бозор қиймати номиналидан паст бўлган қимматли қоғозлар кредит таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб бериладиган кредит муддати қимматли қоғозлар муомалада бўладиган муддатдан ошмаслиги керак. Расмий листингга киритилган қимматли қоғозлар котировкасининг бозор баҳоси Фонд биржасида охири марта ўтказилган савдолардаги котировка маълумотларини ҳисобга олган ҳолда гаров шартномасида акс эттирилади.

Корпоратив қимматли қоғозлар (акция, облигациялар)ни гаровга олишда ушбу қимматли қоғозларнинг мустақил рейтингини инобатга олиш талаб этилади.

**52.** Қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит берилаётганда гаров шартномасида гаровга қўйилган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар (дивидендлар) ҳам Банк фойдасига гаровга қўйилиши, агар зарурат бўлса, қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича қарзларини тўлашга йўналтирилиши кўзда тутилиши мумкин.

Бундай шартлар гаров ва кредит шартномаларига киритилган тақдирда, қимматли қоғозлар эмитентига ушбу қимматли қоғозлар гаровга қўйилгани ва улардан олинадиган даромад қарз олувчининг тегишли гаров ҳисобварағига йўналтирилиши кераклиги тўғрисида хабарнома юборилади.

**53.** Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар қиймати Кредитлаш хизмати кўрсатилиши давомида ўзгарса (пасайса), у ҳолда Банк филиали қўшимча таъминот тақдим этилишини талаб қилиши ёки кредитнинг таъминланмаган қисмини муддатидан олдин ундириб олиб, кредит миқдорини камайтириши, бу шартлар қарз олувчи билан тузиладиган шартномада қайд этилиши лозим.

Кредитлаш жараёнида барча турдаги гаров шартномалари тегишли тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, бир кун муддат ичида гаров тўғрисидаги маълумотлар-ёзувлар киритиш (ўзгартириш ва чиқариб ташлаш) Гаров реестри ягона электрон ахборот базаси ёки iABS дастури орқали филиал маъсул ходими (рўйхатга олувчи) томонидан “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сонли Қарори билан тасдиқланган “Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида гаров реестрига маълумотлар киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилиши лозим.

### **3-§. Гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаш тартиби**

**54.** Гаров нарсасини баҳолаш тамойиллари (принциплари) ҳамда баҳолаш мезонлари ушбу Тартибнинг 5-иловасида кўрсатилган.

Гаровга қўйилаётган мулкларни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

1) гаров мулкни баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш;  
2) гаров мулки баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолангандан сўнг, гаров мулкнинг қийматини гаровга қўювчи/қарздор билан келишиш ва келишиш баённомасини расмийлаштириш.

**55.** Барча ҳолларда Кредитлаш хизмати кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилингунча, гаровга қўйилаётган мулкни мулк эгаси иштирокида бевосита жойига чиқиб кўздан кечирган ва ўрганган ҳолда баҳолаш талаб этилади. Гаров мулкни аҳволини ўрганиш жараёнида бевосита жойига чиқиб, гаров нарсасини фотосуратларини, керак бўлса, видеотасвирларини олиш, Кредит комиссияси томонидан Кредитлаш хизмати кўрсатиш масаласи кўриб чиқиладиганда, гаров нарсаси фотосуратлари, видео тасвирларининг тақдимотини ўтказиш лозим бўлади.

Гаровга қўйилаётган мулк ўта синчковлик билан баҳоланиши ва унинг бозор баҳоси, сотилиш зарурлиги юзага келган тақдирда эҳтимолли йўқотишларни ҳисобга олиш керак.

**56.** Гаров мулкни баҳолашда қуйидаги ҳолатларга аҳамият берилиши талаб этилади:

а) гаров нарсаси узоқ муддат сақланиши хусусиятига эга бўлиши;  
б) гаров нарсасининг моддий ва маънавий эскириши даражаси;  
в) гаров нарсаси нархининг нисбатан барқарорлиги;  
г) гаров нарсасининг кенг истеъмол доирасига эгаллиги, унинг тез ва эркин сотилиши имкониятлари ва ликвидлик сифат кўрсаткичлари;

д) таклиф этилган мулк “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, мазкур Тартибга, мулк эгасининг таъсис ҳужжатларида бошқа ички меъёрий ҳужжатларида, берилган ишончномада ушбу мулкни гаров сифатида олиниши мумкинлиги, тасарруф этиш бўйича чеклов ва тақиқлар йўқлиги, гаров шартномаси йирик битим, манфаатдорлик мавжуд бўлган битим ҳисобланганда, таъсис ҳужжатларида тегишли таъқиқ ёки чекловлар мавжуд бўлганда, тегишли бошқарув органлари (мулкдорлари) розилиги олинганлиги;

е) гаровга таклиф этилаётган мулк давлат улуши бўлган юридик шахсга тегишли бўлганда, бундай мулкни гаровга қўйиш бўйича ваколат мавжудлиги, лозим ҳолларда тегишли ваколатли органнинг розилиги олиниши;

ж) гаровга таклиф этилаётган мулкда учинчи шахсларнинг улуши борлиги, унга нисбатан таъқиқ қўйилмаганлиги, аввал бошқа кредиторлар олдида мажбуриятлар бўйича гаровга қўйилмаганлиги, низоли эмаслиги;

з) гаровга қўйилаётган мулк кўчар мулк (асбоб-ускуна, автотранспорт воситалари в.б.) бўлса, мулк ишлаб чиқарилган йили, техник ҳужжатлар бўйича барча қисмлар мавжудлиги (бутланганлиги), ишлаб чиқариш қуввати;

и) гаровга қўйилаётган мулк аввал фойдаланилган бўлса, амортизация кўрсаткичлари ва баҳоланаётган пайтдаги ҳақиқий ишчи ҳолати.

### **3-1-§. Гаров мулкни баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш**

**57.** “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган ҳолатларда гаровга олинаётган мулклар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тажрибали ва нуфузли баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши лозим.

Кредит олиш ариза топширилган вақтда мустақил баҳолаш ҳисоботи тузилган вақт 6 ой муддатдан ошмаган бўлиши шарт.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказганлик учун пул мукофотининг миқдори баҳолаш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади ва у баҳолаш объекти қийматининг баланд-пастигига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Баҳоловчи ташкилотнинг хизмати учун пул мукофоти (тўлови) қарздор/гаровга қўювчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**58.** Мулкнинг бозор қиймати учта усул билан олинган ҳисоб-китоб қийматини таҳлил қилиш орқали аниқланади:

- а) харажат усули;
- б) солиштириш усули;
- в) даромад усули.

Банк филиаллари, албатта, баҳоловчи ташкилотлардан гаров объекти қийматини аниқлашда қўлланилган услуб ва ҳисоб-китоблар, тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотларни талаб қилиб олишлари керак.

Баҳолаш тўғрисидаги хулоса қонун талабларига жавоб бермаган ёки мулкнинг баҳоловчи томонидан белгиланган қийматининг тўғрилигига шубҳа туғилган ҳолларда, бундай хулосани қабул қилмаслик ва мижоздан мулкни етарли тажрибага эга бўлган, нуфузли баҳолаш ташкилотидан баҳолатишни талаб қилиб, баҳолашда Банкнинг малакали мутахассиси иштироки ва таъсирини таъминлаш лозим бўлади. Бунда, зарур бўлган ҳолда, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида экспертизадан ўтказилиши мумкин.

### **3-2-§. Гаров мулкни Банк ва гаровга қўювчи билан биргаликда баҳолаш**

**59.** Гаров мулки баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолангандан сўнг, гаров мулкнинг қиймати гаровга қўювчи/қарздор билан келишилади ва ёзма равишда гаров баҳосини келишиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Гаров баҳосининг келишуви Банк филиали Баҳолаш комиссияси/Корпоратив бизнес бўйича ички комиссияси ва қарздор/гаровга қўювчи томонидан амалга оширилади. Баҳолаш комиссияси ишида кредит комиссияси аъзолари (ҳуқуқшунос-маслаҳатчисидан ташқари) иштироки мажбурийдир. Гаровга қўйилган мулк қийматини келишиш гаровга таклиф этилаётган мулк жойлашган жойга чиқиб, тегишли ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Гаров баҳосини келишиш далолатномасига фотосуратлар илова қилиниши керак. Бунда гаров келишув баҳоси баҳоловчи ташкилот баҳосидан юқори бўлмаслиги лозим.

Банк ва гаровга қўювчи ўртасидаги келишувга кўра гаровни баҳолашни филиал раҳбарининг буйруғи билан тузилган Баҳолаш комиссияси амалга оширади. Филиал раҳбарлари Баҳолаш комиссиясининг раиси бўлиб ҳисобланади. Кредитлаш хизмати кўрсатиш бўйича тақдим қилинган мол-мулкларни баҳолаш (кредитлаш лимитидан қатъий назар) филиалларда тузилган Баҳолаш комиссияси (Корпоратив бизнес бўйича тегишли ички тузилган баҳолаш комиссияси) томонидан амалга оширади.

**60.** Банк кредитлари ҳисобига импорт шартномалар бўйича сотиб олиниб, келтирилган янги асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, техникалар (мулклар) гаров предмети бўлганда, уларни филиал Баҳолаш комиссияси гаровга қўювчи билан биргаликда баҳолаши (мустақил баҳолаш) мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан ёки расмий дилерлар орқали кредит ҳисобига сотиб олинган

автотранспорт воситалари ҳам гаровга тақдим этилганда, улар Банк филиали Баҳолаш комиссияси томонидан гаровга қўювчи билан биргаликда баҳоланиши мумкин. Бунда автотранспорт воситалари олинганига 6 ойдан ошмаган бўлиши лозим.

**61.** Гаров объектини баҳолашда консалтинг хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Консалтинг компанияси томонидан гаров объектини баҳолаш ҳисоботи расмийлаштирилади ва келишув далолатномаси тузилади. Келишув далолатномаси филиал раҳбари ва кредитлаш билан шуғулланувчи таркибий бўлинма бошлиғи томонидан имзоланади. Мазкур далолатнома филиал томонидан баҳолаш тамойиллари асосида ўрганиб чиқилиши ва консалтинг компаниясининг баҳосини инобатга олиниши мумкин.

Консалтинг хизмати учун тўловлар банк томонидан амалга оширилади.

**62.** Гаров предметини биргаликда баҳолаш натижаларига кўра гаров предметини баҳолаш далолатномаси расмийлаштирилади, бунда Банк филиали номидан Баҳолаш комиссия аъзолари (корпоратив бизнес бўйича баҳолаш комиссия аъзолари) ва гаровга қўювчи томонидан имзоланиб, тарафларнинг муҳри билан тасдиқланади. Агар гаровга қўювчи учинчи шахс бўлса, далолатнома уч томонлама, яъни қарздор, гаровга қўювчи ва Банк филиали Баҳолаш комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва муҳрлар билан тасдиқланади.

Гаров предметини баҳолаш далолатномасида қуйидаги маълумотлар бўлиши талаб этилади:

а) гаров предмети тўғрисида маълумот (миқдори, сифати, маркаси, нави, ишлаб чиқарилган йили, паспорт маълумотлари, ўлчамлари, мулк жойлашган ер майдони тўғрисида маълумот ва гаров мулкни тавсифловчи бошқа маълумотлар);

б) гаров предметининг кимга ва қандай ҳужжатлар асосида тегишлилиги тўғрисида маълумотлар;

в) гаров мулки жойлашган жойи ва ҳудуд тўғрисида маълумот;

г) биргаликда баҳолаш натижасида аниқланган гаров мулкнинг баҳоси тўғрисида маълумот.

**63.** Кредит таъминотиға фақатгина мулк гарови тақдим қилинган ҳолларда гаровдаги мулк қиймати Кредитлаш хизмати суммасининг камида 125 фоизини ташкил этиши Баҳолаш комиссияси мулкнинг баҳоланган бозор қийматини минималлаштириб, мулкнинг кадрсизланиши, маънавий-моддий эскириши ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ барча хатарларини ҳисобга олиши лозим.

#### **4-§. Учинчи шахсларнинг кафиллиги**

**64.** Кафиллик шартномасини Банк, қарз олувчи ва кафил ёзма шаклда тузиш тавсия этилади. Барча кафиллик шартномалари амалдаги қонунчилик ва Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида кредитлаш ва уни ижроси билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га риоя қилинган ва уларга илова қилинган шартномаларнинг намунавий шаклларида фойдаланган ҳолда тузилиши лозим.

**65.** Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз бўлиб қолган ҳолларда, қўшимча таъминот сифатида белгиланган тартибда учинчи шахснинг кафиллиги олиниши мумкин.

**66.** Кредитлаш хизмати кўрсатилиши масаласи кўриб чиқилишининг бошланғич жараёнида, яъни мижоз буюртма (ариза)сига илова сифатида кафил бўлиши режалаштириладиган корхонанинг кредит (лизинг, кафолат бериш) бўйича кафил бўлиб чиқишга розилиги билдирилган ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган (фирма бланкида, муҳр билан тасдиқланган) хати тақдим этилиши лозим.

**67.** Кафил корхонанинг молиявий ҳолати ҳам тўлиқ таҳлил қилиниши зарур. Бунинг учун кафиллик берувчи корхона мазкур Тартибнинг 2-илоvasида келтирилган ҳужжатларни илова қилиб, Банк филиалига тақдим этиши лозим.

**68.** Банк филиали раҳбари ёки масъул ходимлари (камида икки нафар) бевосита жойига чиққан ҳолда кафил бўлаётган корхона раҳбари ёки расмий вакили билан шахсан суҳбатлашиши ва қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши талаб этилади:

- 1) кафил-корхона ҳақиқатда мавжудлиги ва фаолият юритиши;
- 2) кафил-корхонанинг кафил бўлиши тўғрисидаги хоҳишини унинг раҳбари томонидан такроран тасдиқлаши;
- 3) кафил-корхона раҳбарининг кафиллик шартномасини имзолашга юридик ваколати борлиги;

**69.** Кафилнинг молиявий ҳолати ва унинг тўлов лаёқати таҳлил этилгандан ва ижобий хулосага келингандан, кафил корхонанинг кафиллик тақдим этишга ваколати ва унинг раҳбари имзолаш ҳукуки мавжудлиги аниқлангандан кейингина, таъминот сифатида кафиллик шартномасини расмийлаштириш мумкин бўлади.

**70.** Ўзининг кредитлари мавжуд учинчи шахсларнинг кафиллиги мазкур Тартиб талабларига жавоб берган тақдирда Банкнинг Кредитлаш хизматлари бўйича таъминот сифатида қабул қилинишига йўл қўйилиши мумкин. Бунинг учун кафилда ўз кредити бўйича ҳам, кафиллик бўйича ҳам мажбуриятларни бажаришга имкониятлари етарли бўлиши шарт.

**71.** Таъминот сифатида бир неча жисмоний ёки юридик шахсларнинг кафиллиги олинишига йўл қўйилади. Бундай ҳолларда мажбурият (сумма) кафиллар ўртасида тенг ёки бошқача тартибда тақсимланиши ёхуд кафилларнинг ҳар бирига кредит (лизинг)нинг тўлиқ суммаси бўйича мажбурият юклатилиши мақбул ҳисобланади.

**72.** Кафиллик таъминот сифатида қабул қилинишида қўйидаги чекловлар ўрнатилади:

**Биринчи чеклов:** Олинаётган кафиллик кафилни соф активларидан (жами активлар – жами мажбуриятлар) 1,5 баробор ошиб кетган ҳолларда. (истисно тариқасида олинаётган кафиллик кафилни соф активларидан 1,5 баробор ошиб кетган ҳолларда Банк кредит қўмитаси қарорига асосан кафиллик қабул қилиниши мумкин. Кафиллик қўшимча таъминот сифатида олинаётганда хизмат кўрсатувчи филиал ваколати доирасида мустақил қарор қабул қилиниши мумкин).

**Иккинчи чеклов:** Кредитлар бўйича қарздорнинг жисмоний шахс таъсисчилари, мулкдорлари ва раҳбарлари кафилликлари фақат қўшимча таъминот сифатида олиниши мумкин (Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредит ажратишда жисмоний шахсларнинг, ширкат мулкдорларининг ва ширкат раҳбарларининг кафилликлари фақат қўшимча таъминот сифатида олиниши мумкин).

**73.** Кафиллик бўйича мазкур Тартибнинг 72-бандида ўрнатилган чекловларга амал қилмасликка фақатгина Банк Кредит қўмитаси қарори асосида йўл қўйилади.

**74.** Бюджет ташкилотлари кафиллиги (молиялаштирувчи органлар ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг хўжалик ва махсус ҳисобварақлари бўйича олинган кафилликлар бундан мустасно) таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

**75.** Кафиллик кредит билан шуғулланувчи тегишли ходимининг фармойишига асосан 94503 “Кафолатлар ва кафилликлар гаров таъминоти сифатида” ҳисобварғига номинал қийматда қабул қилинади.

## **5-§. Кредит қайтарилмаслик хатарини суғурта қилиш**

**76.** Кредитни қайтариш таъминоти бўлиб, суғурта назорати бўйича Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги лицензиясига ва барқарор обрўга эга суғурта компанияларининг кредитларни қайтармаслик хатари суғуртаси хизмат қилиши мумкин. Кредитлаш хизмати кўрсатилиши қарз олувчи томонидан суғурта полиси тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади. Кредит ҳисобидан суғурта ва кредит олиш билан боғлиқ харажатлар тўланиши мумкин. Бунда барча қилинган харажатлар кредитнинг умумий қийматида қўшилади.

**77.** Банк филиали, суғурта компанияси ва қарздор ўртасида аниқ мажбуриятлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномалари тузилади. Шартномада бевосита нима суғурта қилинаётганлиги аниқ кўрсатилиши шарт (кредитнинг бевосита суммаси ёки у бўйича фақат фоизлар ёки иккаласи ҳам биргаликда). Суғурта шартномасидаги суғурта ташкилотининг мажбуриятдан озод этишга тегишли бандларига, Банк филиали бенефициар (наф кўрувчи) этиб кўрсатилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.



**78.** Суғурта тўлови олдиндан тақдим этилаётган суғурта полисининг бутун амал қилиш даврига ўтказилиши шарт. Қарз олувчи томонидан тўланган суғурта тўловлари тасдиқловчи тегишли тўлов ҳужжатлари нусхаси олиниши ва кредит йиғма жилдига тикиб борилиши керак. (Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредит ажратишда суғурта тўлови тақдим этилаётган суғурта полисининг амал қилиш даври давомида йилма-йил ўтказилиши мумкин.)

#### **IV. ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ**

##### **1-§. Қисқа муддатли кредит турлари ва мақсадлари**

**79.** Қисқа муддатли кредитлар 12 ойгача бўлган муддатга бериладиган кредитлардир. Банк филиаллари томонидан қисқа муддатли кредитлар алоҳида кредит ҳисобварақ орқали кредит линияси очган ҳолда ёки кредит линияси очмаган ҳолда қуйидаги мақсадларга ажратилади:

чакана, улгуржи-чакана ва улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга;  
иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини сўндиришга;  
ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун хом ашё сотиб олишга;  
уруғлик, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоялаш кимёвий воситалари, маъданли ўғитлар харид қилишга;  
ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдиришга;

уй жой мулкдорлари ширкатларига;

марказлашган манбалар ҳисобига объектларни тайёр ҳолда қурилишни амалга оширувчи пудрат ташкилотларига дастлабки ҳаражатлар ва қурилиш материаллари сотиб олиш ҳамда бошқа ҳаражатларга;

экспорт олди молиялашни амалга ошириш учун.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга.

**80.** Мижоз томонидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг унинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, кредит йиғмажилдини тўлиқ ўрганиш ҳамда кредитлаш бўйича мос қарор қабул қилиш муддати:

филиалларда 3 банк иш кунидан;

минтақавий филиалларда 3 банк иш кунидан;

Бош банк учун 7 банк иш кунидан ошмаслиги лозим.

##### **2-§. Алоҳида кредит ҳисобварағи орқали кредитлаш**

**81.** Банк филиаллари хўжалик субъектларига алоҳида кредит (ссуда) ҳисобварағи бўйича кредит линияси очиб ёки кредит линияси очмасдан қарз олувчининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун кредитлар бериши мумкин. Бунда кредит маблағлари пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш ҳамда аккредитивлар очишга йўналтириш орқали берилади.

**82.** Хўжалик субъектларига алоҳида ссуда ҳисобварағларидан “кредит линияси очмаган ҳолда” кредитлар бериш кредит шартномасида кўрсатилган кредит мақсадларига мувофиқ равишда қарз олувчининг товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича тўлов топшириқномаларини бажариш йўли билан амалга оширилади. Ссуда ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги қарор Банк томонидан ҳар бир пул ўтказилиши бўйича алоҳида, тўловнинг мақсади кредит шартномасида кўрсатилган кредит олиш мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш асосида қабул қилинади.

Кредит кредит шартномасида кўзда тутилган муддатларда қопланади.

Кредит линияси очмасдан, лекин қарз олувчининг кредит талабномасига мувофиқ кредит суммаси бир неча траншлар (кредитни ўзлаштириш жадвали) орқали кредитлашга йўл қўйилади. Бундай кредит янгиланадиган (сўндирилган сумма миқдоридан қайта тикланадиган) деб ҳисобланмайди.

**83.** “Кредит линияси очган ҳолда” расмийлаштириладиган кредит алоҳида ссуда ҳисобварағидан олдиндан келишилган кредит шартномаси бўйича қарз суммаси чегарасида амалга оширилади, яъни кредитнинг бу тури янгиланадиган ҳисобланади. Кредит маблағлари ҳисобидан қарз олувчининг асосий фаолиятига тааллуқли бўлган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида пул маблағлари ўтказиб берилди.

“Кредит линияси очган ҳолда” берилладиган кредитлар Банкнинг қафолат мажбуриятномаси расмийлаштирилган ҳолда ажратилиши лозим бўлиб, унда Банк қарз олувчига кредит шартномасида белгиланган кредит миқдори, муддати ва лимити чегарасида, Банкнинг вакиллик (корреспондент) ҳисобварағи ҳолатидан қатъий назар, ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит бериш мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Банкнинг қафолат мажбуриятномаси мазкур Тартибнинг 6-иловасида келтирилган намунавий шакл асосида икки нусхада тузилади, унинг битта нусхаси кредит бўлимининг фармойиши билан бухгалтерияга 91809 –“Банкнинг кредит ва лизинг бериш мажбуриятлари” балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича ҳисобга олиш учун, иккинчи нусхаси қарз олувчига берилди ва унинг кредит йиғма жилдида сақланади.

“Кредит линияси очган ҳолда” берилладиган кредит миқдори, фойдаланиш муддатлари ва уни сўндириш даврийлиги қарз олувчининг маҳсулот етказиб берувчилари ва харидорлари билан тузган шартнома ва тушиши мўлжалланаётган пул оқимини таҳлил қилиш асосида белгиланади.

Кредитлаш лимити бир йил давомидаги режалаштирилган товар айланмаси бўйича ҳисобланади, бунда албатта қарздорнинг айланма маблағлари, муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги мавжудлиги ҳисобга олинади.

Қарздор кредит учун етарли таъминот тақдим этган ва у кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажараётган бўлса, кредит бўйича қарздорликнинг қайд этилган қолдиғи ва кредит шартномасининг амал қилиш муддатлари чегарасида кредит линиясини ўзлаштиришни янгидан бошлаши (давом эттириши) мумкин.

“Кредит линияси очган ҳолда” берилладиган кредитдан фойдаланиш даврида кредитнинг оралиқ тўловлари қарз олувчининг талаб қилиб олинладиган депозит ҳисобварағидан тўлов топшириқномаси бўйича сўндириб борилади.

### **3-§. Хўжалик субъектларига иш ҳақи учун кредитлар бериш тартиби**

**84.** Иш ҳақига кредитлар ялпи иқтисодиёт ёки алоҳида тармоқлар фаолияти учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки алоҳида муҳим топшириқларни бажариш, шунингдек яқин 45 кун ичида реал пул оқимларига эга давлат буюртмаларини амалга ошириш сабабли, молиявий-хўжалик фаолияти якуний натижаларига боғлиқ бўлмаган ва объектив сабабларга кўра вақтинчалик банк ҳисобварағларида зарур пул маблағлари мавжуд бўлмаган корхоналарга юқори ликвидли таъминот турларини олган ҳолда ажратилади.

Иш ҳақига кредитлар таъминотнинг бозор қиймати ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, қайтаришлилик, тўловлилик, муддатлилик, таъминланганлик, мақсадлилик (ўзини қоплаш) тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда ажратилади.

**85.** Хўжалик субъектларига иш ҳақи учун берилладиган кредитлар тузилган кредит шартномасига мувофиқ алоҳида ссуда ҳисобварағидан 45 кунгача бўлган муддатга берилди. Иш ҳақига берилган кредитларнинг муддати узайтирилишига рухсат этилмайди.

**86.** Иш ҳақига кредитлар бир ой учун ҳисобланган иш ҳақи суммаси, шунингдек ягона ижтимоий тўловга йўналтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли

қарори) миқдорида ажратилади. Баъзи ҳолларда, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари таркибига кирувчи йирик корхоналарнинг талабларидан келиб чиқиб, бир неча ойга ҳисобланган иш ҳақиға ҳам кредитлар берилиши мумкин.

Ҳисобланган иш ҳақиға қуйидагилар киритилади: ҳақиқатда олинадиган иш ҳақи суммаси (нетто сумма), даромад солиғи, Пенсия жамғармасига бадаллар, касаба уюшмаси бадаллари киради.

**87.** Қуйидаги ҳолларда иш ҳақиға кредит бериш ман этилади:

а) агар корхона Банк филиалига кредитни сўндириш манбалари тўғрисида аниқ ва ишончли маълумот тақдим этмаса;

б) агар корхона томонидан узоқ давр мобайнида молиявий ва хўжалик узилишларга йўл қўйилган бўлса;

в) кредитни сўндиришнинг аниқ манбалари мавжуд бўлмаганда.

Айрим ҳолларда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари таркибига кирувчи корхоналарга яқин келажакда реал пул маблағлари оқими кутилаётганда, тегишли кафолатлар ва кафиллик берилганда, шунингдек юқори ликвидли мол-мулк гаровга қўйилганда, Банк Кредит кўмитаси қарори билан мазкур ўрнатилган қоидалардан истисно тариқасида чекинишга йўл қўйилиши мумкин.

**88.** Қарздор корхонадан иш ҳақиға олинган кредитнинг мақсадли фойдаланилганлиги кредит маблағларининг қарз олувчи ишчиларинг пластик ҳисобрақамига ўтказилганлиги (нақд пулда филиал кассаси орқали берилганда, ушбу нақд пул маблағлари берилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат) орқали текширилади.

**89.** Иш ҳақиға ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган фоиз ставкалари миқдоридан келиб чиқиб, Банк ва қарздор ўртасида тузилган ўзаро келишувга асосан белгиланади ва кредит шартномасида қайд этилади.

Иш ҳақиға берилган кредит қарздорлиги шартномада белгиланган муддатларда сўндирилмаган тақдирда, фоизлар юқори ставкаларда ундириб олинади. Ушбу шарт ўз навбатида кредит шартномасида кўрсатиб ўтилиши лозим.

Иш ҳақиға ажратилган кредитлар иш ҳақиға тенглаштирилади ва асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушадиган пул маблағларининг иш ҳақиға мўлжалланган улуши ҳисобидан “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (рўйхат рақами: 2342, 2012 йил 15 март)га мувофиқ амалга оширилади. Иш ҳақиға берилган кредитни ундириш бўйича муддатли мажбуриятномалар фақатгина кредитни тўлаш муддати келганда, мутаносиб равишда ҳисобдан чиқаришни амалга ошириш (тақсимланиш) учун киритилади (пропорцияга қўйилади).

Кредитни сўндириш муддатлари келганда ва қарз олувчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаган ҳолларда қарздорлик қолдиғи муддати ўтган ссудалар ҳисобварағига ўтказилади ва белгиланган тартибда ундирилади.

Қарздорнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлганда, кредит бўйича қарзлар муддатидан олдин қопланади. Ушбу шарт кредит шартномасида кўрсатиб ўтилиши зарур. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда ўз вақтида сўндирилишини таъминлаш мақсадида, қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг мониторингини олиб бориш, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлашган ҳолларда берилган кредитларни муддатидан олдин ундириш чораларини кўриш зарур.

**90.** Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи корпорация, компания ва концернларга (“Ўзбекнефтегаз” МХК, “Ўзбекэнерго” АЖ) ёки бошқа йирик ташкилотларга марказлаштирилган кредитлар қуйи ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда иш ҳақи бериш учун кредит ажратилади. Бунда қарздорликнинг сўндирилиши ҳам марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

#### **4-§. Уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредитлар ажратиш тартиби**

**91.** Банк филиаллари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини кредитлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2002 йил 1 мартдаги 74-сонли “Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда “Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 1126, 2002 йил 18 апрель)га мувофиқ амалга оширилади. Бунда кредитлашнинг асосий тамойилларига ва кредитдан мақсадли фойдаланиш шартларига риоя этган ва хатарларни ҳар томонлама баҳолаб ва гаров нарсаи қийматини ҳисобга олган ҳолда кредитлар ажратилади.

Кредитлаш субъектлари бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишни таъминлаш, унинг сақланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, тартибини аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражасидаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмалар - уй-жой мулкдорлари ширкатлари (кейинги ўринларда –“Ширкатлар”) бўлади.

**92.** Кредит ҳисобидан тўланиши лозим бўлган тўлов топшириқномаларига, ушбу кредитни юритувчи масъул кредит билан ишловчи тегишли ходим ва филиал раҳбари томонидан розилик имзоси (виза) қўйилади. Бунда ссуда ҳисобварағидан амалга ошириладиган тўловларнинг мақсадли йўналишини қатъий назорат қилиб борилиши лозим.

#### **5-§. Марказлашган манбалар ҳисобига объектларни тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат ташкилотларини Банк ресурслари ҳисобидан кредитлаш**

**93.** Қурилиш пудрат ташкилотларини кредитлаш қисқа муддатли кредитлаш учун ўрнатилган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишни амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 1358, 2004 йил 19 май)га мувофиқ амалга оширилади.

Фойдаланишга тайёр ҳолда барпо қилинган объектни комплектация қилишга қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва инвентар сотиб олиш учун қарз олувчини олдиндан кредитлашга йўл қўйилади.

Қурилишнинг титул рўйхати ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мос келмайдиган тўловларни ссуда ҳисобварағидан амалга оширишга йўл қўйилмайди.

#### **6-§. Буюртмачи ва қурилиш пудрат ташкилотларига объектлар қурилиши ва реконструкцияси учун кредитлар ажратиш**

**94.** Буюртмачи ва қурилиш пудрат ташкилотларига объектлар қурилиши ва реконструкцияси учун кредитлар ажратиш қисқа муддатли кредитлаш учун ўрнатилган тартиб асосида амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Алоҳида ссуда ҳисобварағидан кредит ҳисобига тўловлар:

буюртмачининг тўлов топшириқномаси билан пудрат шартномаларига асосан пудрат ва субпудрат ташкилотларига улар бажарган ишлар учун тўлов;

пудрат ташкилотларининг тўлов топшириқномалари билан асбоб ускуналар ва қурилиш материаллари сотиб олишга, субпудрат ташкилотларига улар бажарган ишлар учун тўлов мақсадларида амалга оширилади.

Қурилишнинг титул рўйхати ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мос келмайдиган тўловларни ссуда ҳисобварағидан амалга оширишга йўл қўйилмайди.

## **7-§. Қурилиш пудрат ташкилотларига уй-жой қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирлаш учун кредит ажратиш**

### **95. Турар-жойлар қурилиши ва реконструкцияси учун кредитлар:**

аввал тузилган пудрат шартномалари бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарганлиги тўғрисида буюртмачининг ижобий тавсияномаси мавжуд бўлган (ушбу тавсияномада қуриб битказилган объектнинг номи, унинг баҳоси, қурилишнинг шартнома муддатларига амал қилинганлиги, бажарилган ишлар сифатига эътироз бўлмаганлиги, шунингдек, шартнома мажбуриятларини ушбу пудратчи томонидан бажарилишига тааллуқли бошқа ҳолатлар экс эттирилиши лозим);

кўп йиллик қурилиш соҳасида тажрибага, малакали мутахассисларга, етарли моддий-техника базасига ҳамда лойиха қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига эга бўлган;

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли қарори билан тасдиқланган “Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ суғурта ташкилотлари билан қурилиш объектини суғурталаш шартномасига эга пудрат ташкилотларига ажратилади. Бунда суғурта шартномаси кредитловчи банк (бенефициар) фойдасига тузилади.

**96.** Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган, қурилиш хатарларини суғурталаш бўйича суғурта тўловларини тўлиқ ҳажмда тўламаган пудрат ташкилотларига, шунингдек, улардан фойдаланишга топшириш муддатлари кечиктирилган, қурилиши тугалланмаган кредитланадиган объектлар ёки илгари берилган кредитлар бўйича муддатида тўланмаган қарз ёки бошқа молиявий мажбуриятлар мавжуд бўлганида, кўп хонадонли уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишига кредитлар берилмайди (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, топшириқлари, йиғилиш баёнлари ва чора-тадбирлари дастурида юклатилган объектлар ва бириктирилган қурилиш пудрат ташкилотлари бундан мустасно).

**97.** Банк томонидан кўп хонадонли уйларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган кредит миқдори унинг кредит фоизи миқдори чегирилган ҳолда, аммо қурилиш объектининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Агар пудрат ташкилоти қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган кўп хонадонли уй қийматининг 20 фоизи миқдорида ўз айланма маблағига эга бўлмаса, Банк Кредит қўмитаси унинг ижобий кредит тарихини ҳисобга олиб, ўз қарори билан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган кўп хонадонли уй қийматининг шу миқдордаги қисмига ҳам кредит ажратиши мумкин. Бунда Банк томонидан ажратиладиган кредитнинг умумий суммаси қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган кўп хонадонли уй қийматининг 90 фоизидан ошмаган миқдорни ташкил этиши мумкин.

Кредитдан фойдаланиш муддати қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган ишларни амалга ошириш муддатларидан келиб чиққан ҳолда, аммо 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Бунда 18 ойдан ошмаган муддатга имтиёзли давр берилиши мумкин.

Кредит бўйича фоиз ставкаси миқдори Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган фоиз ставкалари асосида пудратчи ўртасида тузилган кредит шартномасида ўрнатилади. Банк кредитидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз миқдори лойиха ҳужжатлари бўйича унинг нархида акс эттирилиши лозим.

**98.** Мазкур кредитлар бўйича ушбу Тартибда белгиланган тартибда таъминот қабул қилинади. Банк филиали пудрат ташкилотидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки капитал таъмирланадиган кўп квартиралли уйдаги хонадонларни келажакда сотилишидан

тушадиган маблағларни гаровга қўйилишини талаб қилиш ҳамда қурилиш ишлари ниҳоясига етмай қолганда, қурилиши тугалланмаган кўп квартирали уйга эгалик қилиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Кўп квартирали уйларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун берилган кредитларни қайтарилиш таъминоти сифатида ушбу уйдаги хонадонларни келажакда сотишдан тушадиган пул тушумлари гаровга олинган тақдирда, алоҳида гаров шартномаси тузилади.

**99.** Кўп квартирали уйларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун кредит бериш қарз олувчи номига ҳар бир объект номи ва рақами акс эттирилган алоҳида ссуда ҳисобварағи очиш ҳамда ушбу ҳисобварақдан пудрат қурилиш ташкилотининг тўлов топшириқномаси асосида қуйидаги мақсадлар учун пул маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

қурилиш материаллари ва ускуналар ҳарид қилишга;

қурилиш монтаж ишларини бажариш жадвалларига мувофиқ ёрдамчи пудрат ташкилотларига бажариладиган ва бажарилган ишлар, автотранспорт, механизм хизматлари учун тўловлар;

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатлари (ёқилғи-мойлаш материаллари, табиий газ, электрэнергия, сув ва бошқалар);

**100.** Кредит маблағлари ҳисобидан (ссуда ҳисобварағидан) қурилишнинг титул рўйхатига ва капитал маблағлардан фойдаланишнинг унда кўрсатилган йўналишларига мувофиқ келмайдиган тўловларни амалга ошириш таъқиқланади.

**101.** Кредитлаш босқичма-босқич молиялаштириш ва қурилиш-монтаж ишларни бажариш жадваллари асосида қуйидагича амалга оширилади:

а) кредит шартномаси умумий суммасининг 50 фоизигача миқдорда аванс тўловлари бўйича;

б) қарз олувчи томонидан аванс маблағлари ҳисобига бажарилган ишлар далолатномаси тақдим этилгандан сўнг (аванс миқдоридан кам бўлмаган миқдорда), кредит шартномаси умумий суммасининг қолган 50 фоизи бажарилган ишлардан келиб чиққан ҳолда.

Бунда Банк филиалининг масъул ходимлари бевосита жойига чиқиб, берилган кредитни мақсадли ишлатилганини ўрганган ҳолда далолатнома тузади.

**102.** Пудрат қурилиш ташкилоти кредит бўйича қарз қолдиғини қайтаришни ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини муддатидан олдин Банк билан келишган тартибда амалга ошириши мумкин.

**103.** Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторинг амалга оширилади. Мониторинг давомида кўп квартирали уйларни қуриш, реконструкция ва капитал таъмирлаш жадвалига риоя қилинишини, ссуда ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш вақтида уларнинг лойиҳага мувофиқлиги ва кредитдан мақсадли фойдаланилишини, кредитни қайтарилишини ҳамда фоизлар тўланишини ва таъминот ҳолати устидан назоратни амалга ошириш лозим.

Шунингдек, зарурият вужудга келганда назорат ўлчовларини ҳам амалга ошириш мумкин.

## **8-§. Ишончли кредитлар ажратиш тартиби**

**104.** Банк филиаллари мижозларга таъминот (гаров, кафиллик, кафолат) олмасдан, яъни ишончли кредитларини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкин.

Ишончли кредитларни бериш Банк учун жуда катта тавақалчиликка олиб келадиган кредитлардан бири ҳисобланади, шунинг учун бундай кредитлар фақат минтақавий филиалларнинг Кредит комиссиялари қарорлари билан белгиланган лимит чегараларида, шунингдек Банк ва қарз олувчи ўртасида доимий алоқалар мавжуд бўлса, унинг тўлов қобилиятига шубҳа уйғотмасагина берилиши мумкин.

Ишончли кредитлар қарз олувчи томонидан тақдим этилган талабнома асосида кўпи билан 12 ойгача бўлган муддатга берилади ва кредит шартномаси ҳамда муддатли



мажбуриятлар билан расмийлаштирилади ва белгиланган муддатларда қайтарилиши зарур бўлади.

Ишончли кредитларини сўнги сўндириш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Ишончли кредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган ҳолларда кредит муносабатлари қарз олувчи ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини кўрмагунча тўхтатилиши зарур.

Кредит ҳисобидан тўланиши керак бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари Банкнинг кредит ходими ва раҳбари томонидан имзоланади.

**105.** Қарз олувчининг кредитни қайтариш бўйича мажбуриятлари кредит шартномасида кўрсатилган тўлаш муддатлари ва тўлаш жадвалига мувофиқ равишда муддатли мажбурият (яъни кредит суммасини бўлиб-бўлиб, ушбу кредитни сўндириш бўйича қанча транш бўлса шунча муддатли мажбуриятнома) билан расмийлаштирилади. Мазкур муддатли мажбуриятномалар тўлалигича қоплангунча 91901 – “Қисқа муддатли кредитлар бўйича қарз олувчиларнинг мажбуриятлари” кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Кредитнинг қисман қопланиши муддатли мажбуриятнинг орқа томонида тўлаш санаси, тўланган сумма ва тўланмаган сумма қолдиғини кўрсатган ҳолда ёзиб борилади.

Кредитни қоплаш муддати келганда ва қарз олувчида пул маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи орқали ундириб олишга тақдим этилади, муддатли мажбуриятнома эса 2-сонли картотекага жойлаштирилади ва календарь навбатда қопланиши шарт.

#### **9-§. Айланма маблағларини тўлдириш учун кредит бериш шартлари**

**106.** Мижозларга ўз айланма маблағларини тўлдириш учун кредит ажратиш кредитлашнинг умумий тартиби асосида амалга оширилади.

Айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар, қоида тариқасида, 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

#### **10-§. Қисқа муддатли кредитларни сўндириш тартиби**

**107.** Кредит линияси очмасдан алоҳида ссуда ҳисобварағидан берилган кредитлар имтиёзли даврдан сўнг Банк томонидан кредит шартномасида ҳамда оралиқ муддатли мажбуриятномада белгиланган муддатларда қопланади, унда кредитни қоплашнинг қуйидаги тартиби белгиланиши мумкин:

ссудалар бўйича қарзларни мажбуриятларни қоплаш муддати келганда қарз олувчининг талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисобварағидан ундириб олиш;

муддатидан олдин, қарз олувчи томонидан депозит ҳисобварағидаги бўш пул маблағларини, у тақдим қилган тўлов топшириқномасига асосан ссуда ҳисобварағига ўтказиш;

кредит қайтарилиши таъминоти сифатида олиниб, тегишли балансдан ташқари ҳисобвараққа кирим қилинган қафолат ва кафилликлар бўйича олинган мажбуриятлар ҳисобидан, шунингдек гаровга олинган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар эвазига;

қарздорларнинг иккиламчи ҳисобварақларига, шу жумладан бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобварақларига акцептсиз тўлов талабномаларини юбориш;

қарз олувчининг ликвид мулкни унинг розилиги билан ёки судга мурожаат қилиш орқали сотиш йўли билан қоплаш.

Кредит линияси очиб алоҳида ссуда ҳисобварағидан берилган кредитларни қоплаш даврийлиги қарз олувчининг етказиб берувчилар ва ҳаридорлар билан тузилган контракт-шартномаларини таҳлил қилиш асосида белгиланади ва бу кредит шартномасида акс эттирилиши керак.

Қарздор томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаган тақдирда, Банк, мазкур

қарзларни қайтаришни қарздорларнинг ликвидли мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активлари ҳисобига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган “Банкларни кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби”га мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга.

## **V. УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

### **1-§. Узоқ муддатли кредитлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш умумий қоидалари**

**108.** Узоқ муддатли кредитлар шартнома асосида 12 ойдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлардир.

Узоқ муддатли кредитлар, шу жумладан инвестиция кредитлари қуйидаги мақсадларга ажратилади:

корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари (объектлари) қурилишига;

бино ва иншоотлар қурилишига;

фаолият юритаётган ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, кенгайтириш, модернизация қилиш ва техник технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий фондларни, техника ва технологияларни, асбоб-ускуна ва транспорт воситаларини сотиб олишга;

йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича ҳаражатларни молиялашга.

Узоқ муддатли кредитлар амалдаги қонунчилик, Банк Кредит сиёсати ва мазкур Тартибда кўрсатилган бошқа мақсадларга ҳам ажратилиши мумкин.

**109.** Филиалларда асосий ҳисобварағи мавжуд бўлган, доимий пул оқимида эга юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятида фойдаланиши учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги енгил автомашиналар сотиб олишга қуйидаги шартлар билан тижорат кредити ажратилиши мумкин:

кредит муддати – 3 йилгача;

кредит бошланғич тўловсиз ёки миқдор ҳисобварағидаги маблағлар ва/ёки банк кассасига топширилган нақд пул (бунда, инкассация қилинган тушумлар ҳисобга олинмайди) қўринишидаги бошланғич тўлов қабул қилинган ҳолда ажратилади;

кредит суммаси – автомашина қиймати ва/ёки бошланғич тўлов ўртасидаги фарқ суммаси миқдорида;

кредитдан фойдаланганлик учун устама ҳақ банкнинг амалдаги Тарифларига биноан белгиланади.

кредит таъминоти сифатида кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомашина сотиб олиш нархининг 80%идан ошмаган қийматда (ушбу автомашина гаровга қўйилгунга қадар доимий пул оқимида эга ташкилот кафиллиги, кредит қайтмаслик хатарини олдини олиш бўйича нуфузли суғурта компаниясининг банк фойдасига суғурта полиси ҳам олиниши мумкин) ва/ёки бошқа ликвид мол мулклар гаровга олинади.”

**110.** Инвестиция кредити – қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, модернизациялаш, ёки техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш (жумладан асбоб-ускуна сотиб олишга, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни амалга оширишга), шунингдек ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларининг нормал фаолиятини таъминлашга зарур

бўлган бошқа асосий фондлар ва улар билан боғлиқ бўлган қисман ишчи капиталини сотиб олиш ва яратиш учун ажратиладиган узоқ муддатли молиялаштириш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўсиндаги фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуидир.

**111.** Агар махсус давлат дастурларини амалга оширишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари ёки ҳукумат қарорларида ушбу тартибдагидан бошқача шартлар белгиланган бўлса, мазкур Тартиб қоидаларидан четга чиқишга йўл қўйилади.

Бунда лойиҳалар экспертизаси жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, муайян омилларни ҳисобга олиш ва хатарларни камайтириш мақсадида Банк инвестицион лойиҳалар экспертизасига лойиҳа институтларини, вазирлик, ташкилот ва муассасаларнинг малакали ходимларини ҳамда халқаро ташкилот ва компанияларни жалб қилиши мумкин.

**112.** Узоқ муддатли кредитларни, жумладан инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қарз олувчилар Банк филиалларига мазкур Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ ҳужжатлар тўпламини тақдим этадилар. Бунда тақдим этилаётган техник-иқтисодий асоснома (ТИА) ёки бизнес режа ушбу Тартибнинг 7-иловасида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

**113.** Қўйидагилар учун узоқ муддатли ва инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратиш тавсия этилмайди:

устав капитал (фонди)ни шакллантиришга;

лойиҳани амалга ошмаслик хатари юқори бўлганда;

саноат вариантыда синаб кўрилмаган янги технология ва жараёнлардан фойдаланишни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга оширишга, тегишли органлар томонидан ижобий ҳулоса берилган лойиҳалар бундан истисно.

  - 4.1. Талаб ва таклиф;
    - 4.1.1. Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот тавсифи, унинг бозорда рақобатбардошлилиги ва экспорт имкониятлари;
    - 4.1.2. Тармоғнинг мавжуд салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоғни ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларини баҳолаш, ҳудудий жойлаштириш, маҳсулот сифати;
    - 4.1.3. Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устуворликлари ва мақсадлари;
    - 4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар;
    - 4.1.5. Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари;
  - 4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш прогнози;
    - 4.2.1. Бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси;
    - 4.2.2. Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат (асосий рақобатчилар тавсифи, уларнинг жойлашган жойи, нарх сиёсати, маҳсулот сотилишини раҳбатлантириш усуллари ва ҳк.);
    - 4.2.3. Сотиш дастури, сотишни ташкил этиш. Банк кредити ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларни сотиш бозори мавжудлиги ва буюртмалар портфели тизими;
  - 4.3. Фойдаланиладиган савдо маркалари, патент ҳамда маҳсулотнинг сифат сертификати;
  - 4.4. Маркетинг харажатларини баҳолаш.
5. Моддий ресурслар:
  - 5.1. Хом ашё, материаллар, компонентлар таснифи;
    - 5.1.1. Хом ашё базаси, хом ашёнинг қидириб топилган захиралари мавжудлиги;
    - 5.1.2. Хом ашё сифатига ва уни тайёрлаш усулларига қўйиладиган талаблар, маҳаллий хом ашёнинг технологиялар талабларига мувофиқлиги;
  - 5.2. Лойиҳа бўйича эҳтиёж, материаллар ва компонентларнинг мавжудлиги ва улар билан таъминланганлик, уларнинг таснифи, етказиб бериш дастури;
  - 5.3. Энергия ресурслари, сув ва газ билан таъминланганлик;
  - 5.4. 1 дона маҳсулот калькуляцияси;
  - 5.5. Моддий ресурслар бўйича харажатларни баҳолаш.
6. Объектнинг жойлашган жойи:
  - 6.1. Танланган фаолият жойининг тавсифи;
    - 6.1.1. Хом ашё ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорларидан узоқлиги, транспорт коммуникациялари;
    - 6.1.2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш;
    - 6.1.3. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, афзаллик ва чеклашлар;
    - 6.1.4. Экология, атроф-муҳитга таъсир (умумий ахборот);

- 6.2. Асосий жиҳатлар бўйича фаолият жойини танлашни асослаш;
- 6.3. Фаолият кўрсатиш объектини танлашдаги харажатларни баҳолаш.
- 7. Лойиҳалаштириш ва технология:
  - 7.1. Йиллар бўйича ўзлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш қуввати;
  - 7.2. Технология ва асбоб-ускуналар;
    - 7.2.1. Технология тавсифи, технологик жараён схемаси, асбоб-ускуналарнинг ишончилиги, ҳамда маҳсулот етказиб берувчининг кафолати;
    - 7.2.2. Технология ва асбоб-ускуналарни танлашни асослаш, афзалликлар ва камчиликлар;
    - 7.2.3. Технологиянинг атроф-муҳитга таъсири;
    - 7.2.4. Асбоб-ускуналарни жойлаштириш схемаси: ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари; ёрдамчи асбоб-ускуналар; сервис асбоб-ускуналари; эҳтиёт қисмлар, воситалар;
    - 7.2.5. “Ноу-хау”ни бериш шартлари, ходимларни ўқитиш;
    - 7.2.6. Маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ИСО 9000 серияси талабларига мувофиқлигини таъминлаш тадбирлари ҳамда уларни амалга ошириш харажатлари;
    - 7.2.7. Маҳаллийлаштириш истикболлари (республика ҳудудида бутловчи буюмлар ва компонентларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари);
- 7.3. Қурилиш;
  - 7.3.1. Қурилиш ҳолати режаси;
  - 7.3.2. Бош режа схемаси, бинолар ва корпусларнинг жойлашиши;
  - 7.3.3. Принципиал ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимлар, уларнинг параметрлари, алоҳида талаблари;
  - 7.3.4. Жойни тайёрлаш ва ўзлаштириш;
  - 7.3.5. Муҳандислик коммуникациялари;
  - 7.3.6. Қурилиш-монтаж ишларининг пул ифодасидаги ҳажми;
- 7.4. Тугалланмаган қурилишни ҳисобга олган ҳолда харажатларни баҳолаш.
- 8. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар:
  - 8.1. Корхонанинг ташкилий тузилмаси;
  - 8.2. Қўшимча харажатлар (умумзавод, маъмурий харажатлар);
  - 8.3. Ишлаб чиқаришни ташкил этишбўйича харажатларни баҳолаш.
- 9. Меҳнат ресурслари:
  - 9.1. Меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги;
  - 9.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш;
  - 9.3. Раҳбариятнинг танланган соҳадаги иш тажрибаси (директор, бош бухгалтер, бош инженер)
  - 9.4. Меҳнат ресурслари бўйича харажатларни баҳолаш.
- 10. Лойиҳани амалга ошириш схемалари:
  - 10.1. Лойиҳани амалга ошириш босқичлари;
  - 10.2. Лойиҳани амалга ошириш жадвали;
  - 10.3. Лойиҳани амалга ошириш бюджети.
- 11. Лойиҳани амалга ошириш вариантларини молиявий баҳолаш:
  - 11.1. Тўлиқ инвестиция харажатлари;
  - 11.2. Лойиҳани молиялаштириш: молиялаштириш механизми ва манбалари;
  - 11.3. Сотилган маҳсулотларга тўлиқ чиқимлар;
  - 11.4. Қарзга олинган маблағларнинг (улардан фойдаланилган тақдирда) қопланишини ва ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда молиявий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши;
    - 11.4.1. Лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга таъсирчанлиги;
    - 11.4.2. Соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал қўйилмалар ички қайтарилувчанлигининг иқтисодий нормаси;

11.5. Молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш.

12. Хулосалар:

12.1. Лойиҳанинг асосий афзалликлари ва камчиликлари;

12.2. Қабул қилинган вариантнинг муқобил вариантлардан афзалликлари;

12.3. Таваккалчилик ваноаниқлик жиҳатлари;

12.4. Лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш.

13. "А" илова:

"А" иловада миллий ва хорижий валюта харажатини алоҳида акс эттирган ҳолда эркин шаклда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар схемалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

13.1. Асосий капиталга инвестициялар;

13.2. Ишлаб чиқаришдан олдинги харажатлар;

13.3. Сотилган маҳсулотларга чиқимлар;

13.4. Соф айланма капиталга эҳтиёж;

13.5. Корхонани солиққа тортиш тизими (тўланадиган солиқлар тури, улар бўйича ставкалар, солиқ солинадиган манба, мавжуд солиқ имтиёзлари ва улар қайси меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатилган);

13.6. Молиялаштириш манбалари ва режаси;

13.7. Қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш;

13.8. Солиқ солишнинг амалдаги тизимини ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд маблағлар (реал пуллар) оқими. Асосий кўрсаткичларни биринчи йил учун ойма-ой, иккинчи йил учун чорак бўйича, учинчи йил учун йил бўйича амалга ошириш тавсия этилади;

13.9. Мавжуд маблағларнинг дисконтланган оқими;

13.10. Фойда ва зарарлар прогнози;

13.11. Прогноз қилинаётган баланс.

14. "Б" илова:

"Б" иловада тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

14.1. Юридик ҳужжатлар:

корхона устави ва таъсис шартномаси;

ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи лицензия, агар фаолият тури махсус лицензиялар талаб қилинадиган фаолиятнинг алоҳида турлари рўйхатига кирса;

раҳбарлар, асосий менежерлар, кузатув кенгаши, корхона мулкдорларининг қисқача биографик маълумотлари;

14.2. Контракт ҳужжатлари:

асбоб-ускуналар етказиб бериш ёки объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш юзасидан контракт;

қурилиш пудрати ва қурилишни моддий таъминлаш шартномаси;

хом ашё, бутловчи буюмлар етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни харид қилиш шартномаси (мақсадларбаённомаси);

лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар;

14.3. Смета ҳужжатлари ва молиявий ҳужжатлар:

қурилишнинг смета ҳужжатлари;

корхона (қарз олувчи, инвесторлар, кафиллар, лойиҳа бўйича кафолатберувчилар)нинг охириги уч йил учун солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тўлиқ бухгалтерия (ҳар чораклик) ҳисоботлари;

бошқа банклардаги ҳисоб рақамлари, қарз маблағлари ва уларни қайтариш шартлари тўғрисидаги маълумотнома;

хорижий шериклар (таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар - охириги икки йил учун халқаро стандартлар бўйича (таниқли аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган) йиллик ҳисобот;

14.4. Эксперт ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар:

танланган технология ва технология асбоб-ускуналари бўйича идорадан ташқари экспертиза ("Давархитектқурилиш" қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси), мустақил консалтинг ташкилотининг хулосалари;

сотиб олинadиган асбоб-ускуналарнинг техник паспортлари ва уларнинг танлов асосида сотиб олинаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кадастр (гаровга берилadиган бино ва иншоотлар кадастри) ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

асосий ишлаб чиқариш биноларининг технология асбоб-ускуналари жойлаштирилган ҳолдаги схемаси;

14.5. Тайёр маҳсулотни сотиш ва хом ашё, материаллар харид қилиш маркетинг тадқиқотлари бўйича ҳужжатлар.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида  
кредитлаш ва унга тенглаштирилган  
операцияларни амалга ошириш  
Тартиби”га 8-Илова**

**Тадбиркорлик субъектларининг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш методикаси ва  
таваккалчиликни баҳолаш тизими (Скоринг таҳлил тизими)**

(Буюртманомани кўриб чиқишда ҳам, мониторинг жараёнида ҳам қўлланилади)

**I. КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ (энг юқори бал 39)**

**Кредитга лаёқатлилиги** – бу хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини, уларнинг кредитни ўз вақтида ва тўла қайтариш қобилиятини баҳолаш.

Хўжалик субъектларининг кредитга лаёқатлилиги бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади. Кўрсаткичлар сони чегараланмайди ва ҳар бир тижорат банки томонидан хизмат кўрсатадиган мижозлари фаолиятининг ўзига хос томонларидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгиланади.

Мазкур методикада кредитга лаёқатлилиқнинг зарур мажбурий кўрсаткичлари: кредитни қоплаш коэффициенти, ликвидлилиқ ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффициенти), шунингдек ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, тўланмаган қарзлар, фойда олиб фаолият кўрсатиши ва айланма маблағларнинг айланувчанлиги каби кўрсаткичлар кўриб чиқилади.

Кредитга лаёқатлилиқнинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги коэффицентлардан иборат: қоплаш, ликвидлилиқ ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффициенти).

Ликвидлилиқ кўрсаткичлари фирма балансидаги энг ликвидли элементлар ва қисқа муддатли мажбуриятларнинг нисбати қандайлигини баҳолаш учун қўлланилади. Тез сотиладиган активлар ҳисобига бу мажбуриятларнинг қопланиши қанчалик юқори бўлса, фирманинг мавқеи шунчалик ишончли ҳамда банкдан кредит олишга имконияти шунчалик юқори бўлади.

**1. Қоплаш коэффициенти**

Балансининг **қоплаш коэффициенти** жорий активлардан келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар ва муддати утган дебитор қарздорликлар айирмасининг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисобланади.

У қуйидаги тартибда аниқланади:

Жорий активлар – Келгуси даврдаги харажатлар ва кечиктирилган харажатлар –  
– Муддати ўтган дебиторлик қарзлари

$$K_k = \frac{\text{Жорий активлар} - \text{Келгуси даврдаги харажатлар ва кечиктирилган харажатлар} - \text{Муддати ўтган дебиторлик қарзлари}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

Агар ликвидли активлар қисқа муддатли мажбуриятлардан камида икки марта ортиқ бўлса хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини яхши деб ҳисоблаш мумкин. Бу мезон (критерий)нинг энг юқори чегарасидир. Хўжалик юритувчи субъект қисқа муддатли мажбуриятлари миқдорига тенг ликвидли активларга эга бўлганда бу мезон (критерий)нинг энг қуйи чегараси деб қабул қилинади.

а) $K_k > 2$	12	
б) $2 > K_k \geq 1$	8	
в) $1 > K_k > 0,5$	3	
г) 0,5 дан кам	0	

**2. Ликвидлилиқ коэффициенти**



**Ликвидлилик коэффиценти** хўжалик субъектининг тўлов қобилияти анча тезлигини кўрсатади, бунда жорий мажбуриятлар энг ликвидли активлар (нақд пулга айлантириш муайян вақт талаб қиладиган товар-моддий бойликлардан ташқари) билан қопланиши мумкин.

Ушбу коэффицент жорий мажбуриятларни нақд пул, ортиб юборилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, қимматли қоғозларни сотишдан кутилаётган тушумлар ва яқин ойларда дебиторлардан ундириб олинадиган маблағлар ҳисобига қандай даражада қопланиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради.

Ликвидлилик коэффиценти пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва ҳисоб варағ бўйича олинадиган маблағлар (муддати ўтганидан ташқари) суммасининг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисобланади, яъни товар-моддий заҳиралар ҳисобга олинмайди, балки ҳақиқий ликвидли активлар ҳисобга олинади.

Пул маблағлари + Қисқа муддатли инвестициялар + Дебиторлик қарзлари –  
– муддати ўтган дебиторлик қарзлари

$$Лк = \frac{\text{Пул маблағлари + Қисқа муддатли инвестициялар + Дебиторлик қарзлари} - \text{муддати ўтган дебиторлик қарзлари}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$

а) $Лк > 1,5$	15	
б) $1,5 > Лк \geq 1$	10	
в) $1 > Лк > 0,5$	3	
г) 0,5 дан кам	0	

### 3. Мустақиллик коэффиценти

**Мустақиллик коэффиценти** хусусий капитални корхона баланси пассивлари умумий якунига бўлиш йўли билан ҳисобланади ва корхона маблағларнинг қарзга олинадиган манбаларидан мустақиллигини акс эттиради.

Мустақиллик коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Мк = \frac{\text{Хусусий капитал}}{\text{Баланс пассивининг якуни}} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткичнинг қиймати 30% дан кам бўлмаслиги керак. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги юқорилигида ва хўжалик органи фаолиятининг характерига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиладиган даражаси бирмунча пастроқ бўлиши мумкин.

Агар бу коэффицент 0,6, яъни 60% дан юқори бўлса, кредит таваккали энг паст деб ҳисобланади.

а) $Мк > 60\%$	12	
б) $60\% > Мк \geq 30\%$	8	
в) $30\% > Мк > 15\%$	3	
г) 15 % дан кам	0	

Агар кредитни тўлай олиш қобилиятининг ушбу учта кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилгандан кейин сумма 9 баллдан камни ташкил этган бўлса, корхонага кредит берилмаслиги керак.

Агар баллар суммаси 9 дан 19 баллгача бўлса, бундай корхона кредитни тўлай олмайдиган ҳисобланади ва фақат алоҳида ҳоллардагина юқори ликвидли активлар билан таъминланган ҳолда кредит берилиши мумкин.

Ҳатто мустақиллик коэффиценти юқори бўлган ҳолларда ҳам корхона хусусий маблағларининг анчагина қисми узоқ муддатли активларга қўйилган бўлиши ва айланма активлар – моддий заҳиралар ва ишлаб чиқариш харажатларини шакллантиришда етарли даражада қатнаша олмаслиги мумкин. Шунинг учун корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини кўриб чиқиш зарур.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги (НСОС) = Хусусий капитал+Узоқ муддатли кредит  
ва қарзлар – Узоқ муддатли активлар

#### 4. Кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

Айланма маблағларнинг айланувчанлиги коэффиценти ва айланиш вақти, дебиторлик қарздорликларнинг айланувчанлиги коэффиценти ва айланиш вақти, кредиторлик қарздорликларнинг айланувчанлиги коэффиценти ва айланиш вақти, рентабеллик коэффицентлари ва бошқа кўрсаткичлар.

Кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари асосий коэффицентларни тўлдиради ва хулосани янада асослироқ қилишга имконият беради.

##### 4.1. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги коэффиценти:

$$\text{Айланув. коэф.} = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}}{\text{Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи}}$$

##### Айланма маблағларнинг айланиш вақти(кунда):

$$\text{Айланиш. вақти} = \frac{\text{Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}} * 365$$

##### 4.2. Дебиторлик қарздорликларнинг айланувчанлиги коэффиценти:

$$K = \frac{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}}{\text{Дебиторлик қарз ўртача суммаси}}$$

##### Дебиторлик қарздорликларнинг айланиш вақти (кунда)

$$K = \frac{\text{Дебиторлик қарз ўртача суммаси}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}} * 365$$

##### 4.3. Кредиторлик қарздорликларнинг айланувчанлиги коэффиценти:

$$K = \frac{\text{Сотилган маҳсулот таннари}}{\text{Кредиторлик қарз ўртача суммаси}}$$

##### Кредиторлик қарздорликларнинг айланиш вақти (кунда)

$$K = \frac{\text{Кредиторлик қарз ўртача суммаси}}{\text{Сотилган маҳсулот таннари}} * 365$$

##### 4.4. Рентабеллик коэффицентлари:

Активлар рентабеллиги коэффиценти:

Активлар қолдиқ қиймати

$$K_{AP} = \frac{\text{Соф фойда рентабеллиги}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}}$$

Соф фойда рентабеллиги:

$$K_{CFP} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Маҳсулот сотишдан тушган тушум}}$$

## II. Лойиҳанинг умумий қийматида қарз олувчининг ўз маблағлари билан иштирок этиш улуши (энг юқори балл 5)

а) 50% дан юқори	5	
б) 30% дан 50% гача	3	
в) 20% дан 29% гача	1	
г) 20 % дан кам	0	

## III. ПУЛ ОҚИМИ (энг юқори балл 21)

Корхонанинг молиявий ҳолати аксарият ҳолларда ҳақиқий пул айланмасига боғлиқ бўлади. Корхонанинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варағлари орқали ўтадиган пул маблағларининг тушиши ва уларнинг сарфланиши пул оқими деб аталади.

Қарз олувчининг пул оқими ҳажми унинг кредитни тўлаш ва айланма маблағларни таъминлаш қобилиятини белгилаб беради. Пухта таҳлил қилиш учун олдинги ва прогноз қилинаётган даврдаги пул оқими, маблағларнинг манбалари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади.

Агар корхона асосий фаолиятини олиб бораётган бўлса, корхонада кўшимча равишда инвестиция даврида фоизларни тўлаш учун етарли даражада пул маблағлари бўлиши керак.

Бу жиҳатни ўрганиб чиқиш учун (шу жумладан кредит бўйича мониторинг ўтказишда) қуйидаги кўрсаткични кўриб чиқиш зарур.

**Қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти** корхона фаолиятдан олинаётган даромад (кредит бўйича фоизларни тўлай бошлашдан олдин) қарзнинг асосий суммаси бўйича тўловлар ва фоизлар бўйича ҳар йиллик тўловлар суммасидан неча барабар ортиклигини кўрсатади. Қарзга хизмат кўрсатиш коэффициентини кузатиб бориш қарзга олинган маблағлардан операцияларни кенгайтириш учун фойдаланилаётганлиги тўғрисида ахборот беради.

Фоизлар ва солиқларни тўлашдан олдинги фойда

$$КОД (ҚХКК) = \frac{\text{Фоизлар ва жорий асосий қарз бўйича сарфлар}}{\text{Фоизлар ва солиқларни тўлашдан олдинги фойда}}$$

а) Пул оқими қарз ва у бўйича фоизларга хизмат кўрсатиш учун мос (шу жумладан инвестиция даврида), айланма маблағлар кенгайтириш учун берилади. Қарзга хизмат кўрсатишда унинг қопланиши қониқарли (1,4 дан юқори)	21	
б) Пул оқими қарз ва у бўйича фоизларга хизмат кўрсатиш учун етарли (шу жумладан инвестиция даврида), айланма маблағлар кенгайтириш учун берилади. Қарзга хизмат кўрсатишда унинг қопланиши меъёрида ҳисобланади (1 дан 1,4 гача)	14	
в) Пул оқими қарз ва у бўйича фоизларга хизмат кўрсатиш учун етарли. Айланма маблағлар кредит ҳисобига олинади. Қарзга хизмат кўрсатишда унинг қопланиши меъёрида ҳисобланади (1 дан юқори)	10	
г) Пул оқими қарз ва у бўйича фоизларни тўлаш учун етарли. Қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти 0,5 дан 1 гачани ташкил этади.	3	

## IV. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ (энг юқори балл 16)

Кредитни қайтмаслик таваккалчилигидан ҳимоялаш усулларида бири кредитни қоплаш учун етарли даражадаги таъминотни жалб этиш ҳисобланади. Бундай усул банкка берилган суммани қайтариб олиш ва у бўйича фоизлар олишни кафолатлайди. Бунда ссудани таъминлаш учун қўйилган гаров нафақат берилган кредит суммасини, балки фоизлар суммасини ҳам қоплаши муҳимдир.

#### **Гаров таъминоти.**

А) Кредитни таъминлаш учун қўйилган гаров юқори ликвидли ва етарли ҳисобланади.	16	
Б) Кредитни таъминлаш учун қўйилган гаров етарли ҳисобланади ва йилнинг 1 чораги мобайнида сотилиши мумкин.	11	
В) Кредитни таъминлаш учун қўйилган гаров етарли, лекин сотилиши қийин ҳисобланади.	4	
Г) Кредитни таъминлаш учун қўйилган гаров етарли эмас ёки ноликвид. Бундай ҳолда кредит берилмаслиги керак.	3	

#### **Кафиллик**

А) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ва асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, кейинги 3 йилда асосий коэффициентлар динамикаси доимий ўсиб борган ва зарурий талабларга мувофиқ бўлган, ўз айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари йўқ ва бошқа кредитлар бўйича кафиллик бермаган.	16	
Б) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ёки асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, кейинги йилларда асосий коэффициентлар динамикаси барқарорлигича қолган ва зарурий талабларга мувофиқ бўлган, ўз айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари йўқ ва бошқа кредитлар бўйича кафиллик бермаган.	11	
В) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ёки асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, кейинги йилларда асосий кўрсаткичлари динамикаси барқарорлигича қолган ва зарурий талабларга мувофиқ бўлган, ўз айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари бор, бошқа кредитлар бўйича кафиллик берган, лекин кредитлар бўйича барча мажбуриятларини қоплаш учун ўзининг етарли маблағларига эга.	4	
Г) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга эмас ва асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келмайди, кредитлар бўйича қарзлари бор, кредитлар бўйича барча мажбуриятларини қоплаш учун етарли маблағга эга эмас, корхона ўз айланма маблағларига эга эмас, зарар кўриб фаолият олиб боради. Ушбу кафиллик берувчи кредит бўйича таъминот сифатида қабул қилинмаслиги зарур.	0	

#### **Суғурта полиси**

А) Суғурта полиси кредитнинг асосий суммаси ва у бўйича фоизларни қамраб олади, бутун кредит даври мобайнида ҳақиқий ҳисобланади	16	
В) Суғурта полиси кредит бўйича фоизларни ёки кредитнинг барча суммасини қамраб олмайди, суғурта даврининг амал қилиш муддати кредит муддатидан кам. Бу ҳолда кредит берилмаслиги керак.	0	

Изоҳ: IV “Кредит таъминоти” бандига: Таъминотнинг бир неча тури мавжудлигида (таъминотнинг аралаш тури) таъминотнинг устувор ҳисобланадиган шакли баҳоланади.

## V. САНОАТ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ (энг юқори балл 7)

Қарз олувчига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда турли саноат ва бозор кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунга умумий иқтисодий шарт-шароитлар, саноатнинг умумий ҳолати, бозордаги рақобат, корхона ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулот бозорининг ривожланиш босқичлари, корхонада маркетинг қанчалик ривожланганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш бозори мавжудлиги ва унинг ҳажми киритилади.

а) Саноат ва иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланмоқда ва даромад ошиб бормоқда	7	
б) Саноат ва иқтисодий кўрсаткичлари унчалик юқори эмас, пул оқими ва даромад нисбатан барқарор.	4	
в) Саноат ва иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашмоқда, лекин пул оқими ва даромад нисбатан барқарор.	1	
г) Саноат ва иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашмоқда ва даромад пасайиб бормоқда	0	

## VI. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИ БАҲОЛАШ (энг юқори балл 12)

### 1. Корхона фаолият кўрсатаётган муддат

а) 5 йилдан кўпроқ	3	
б) 3 йилдан 5 йилгача	2	
в) 1 йилдан 3 йилгача	1	
г) 1 йилдан кам	0	

### 2. Корхонанинг кредит тарихи

а) Корхона 3 йилдан ортиқроқ вақтдан бери банкнинг миждози ҳисобланади. Бир неча марта банк кредитларидан фойдаланган ва қарзнинг асосий суммаси ҳамда улар бўйича фоизларни ўз вақтида тўлаган.	4	
б) Корхона 1,5–3 йилдан бери банкнинг миждози ҳисобланади. Банк кредитларидан фойдаланган ва кредит ва фоизларини ўз вақтида тўлаган.	3	
в) Корхона 1,5 йилдан кўпроқ вақтдан бери банкнинг миждози ҳисобланади, яхши айланма маблағларга эга, банк кредитидан фойдаланмаган.	1	
г) Корхона 1,5 йилдан камроқ вақтдан бери банкнинг миждози ҳисобланади. Ёки илгари кредитлардан фойдаланган ва уни муддатларини бузиб тўлаган.	0	

### 3. Раҳбарият

Раҳбариятнинг тажрибаси ва имкониятлари кредит сифатини белгилашда жуда муҳимдир. Умуман, раҳбарият имкониятларининг баҳосини кредитга доир ҳужжатлар тўпламидаги ахборотлар асосида ёки кредит бўйича масъул ходимлар билан учрашгандан сўнг олиш мумкин.

а) Раҳбарият компания билан узоқ йиллардан бери ишлайди ва ўз имкониятларини намоён этган. Раҳбарият сўзсиз ҳалоллигини ва ҳамкорлик қилишнинг юқори даражаларини кўрсатган.	5	
б) Раҳбарият тажриба ва барқарор ўринга эга, шунингдек бошқариш қобилиятини намоён этган, буни бажарилган ишлар аниқ кўрсатиб турибди.	3	
в) Раҳбарият чекланган вақт мобайнида мазкур лавозимда, лекин бизнесни бошқаришда қобилияти қониқарли эканлигини кўрсатган.	1	
г) Раҳбариятнинг қобилиятлари номаълум, ёки умуман қониқарсиз	0	

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КРЕДИТ ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ  
ХИСОБЛАШ УСЛУБИ ВА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ  
(Скоринг таҳлил тизими)**

(Ҳам буюртманомани кўриб чиқишда, ҳам мониторинг жараёнида қўлланилади)

**КЎРСАТКИЧНИНГ НОМИ**

**I. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ХАРАКТЕРИ**

**1. Хусусий тадбиркорнинг ёши**

А) 40 ёшдан 50 ёшгача	3	
Б) 30 ёшдан 40 ёшгача	2	
В) 20 дан 30 ёшгача ёки 50 дан 60 ёшгача	1	
Г) 20 ёшдан кичик ёки 60 ёшдан катта	0	

**2. Иш тажрибаси**

А) Тадбиркор ушбу соҳада анча иш тажрибасига (3 йилдан кўп) ва кўзда тутилаётган фаолият турига мос маълумотга эга.	9	
Б) Тадбиркор ушбу соҳада анча иш тажрибасига (3 йилдан кўп) эга, лекин маълумоти кўзда тутилаётган фаолият турига мос эмас.	6	
В) Тадбиркор ушбу соҳада иш тажрибасига (1-3 йил) ва кўзда тутилаётган фаолият турига мос маълумотга эга.	4	
Г) Тадбиркор ушбу соҳада озроқ иш тажрибасига (1 йилгача) эга, маълумоти кўзда тутилаётган фаолият турига мос.	2	
Д) Тадбиркор ушбу фаолият соҳасида на иш тажрибасига, на тегишли маълумотга эга.	0	

**3. Бино, иншоот кўринишадига мулкнинг мавжудлиги**

А) Бор	3	
Б) Йўқ	0	

**4. Ишлаб чиқариш биноларининг мавжудлиги**

А) Тадбиркор ўз биноларига эга.	3	
Б) Бино кредит амал қилишининг бутун даврида ижарага олинади.	1	
В) Тадбиркор ўз биноларига эга эмас, ёки улар кредит амал қилишининг бутун даврига ижарага олинмайди.	0	

**5. Ишлаб чиқариш биноларининг техник ҳолати**

А) Яхши, барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга.	3	
Б) Жорий таъмирлашни талаб этади.	2	
В) Капитал таъмирлашни ёки қайта қуришни талаб этади, ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур талабларга мос эмас	0	

**6. Хусусий транспортнинг мавжудлиги**

А) Бор.	3	
Б) Йўқ.	0	

**II. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ КРЕДИТ ТАРИХИ**

**1. Неча йилдан бери банкнинг мижози**

А) 3 йилдан кўпроқ.	4	
Б) 1,5 йилдан 3 йилгача.	3	

В) 6 ойдан 1,5 йилгача	2	
Г) 6 ойдан кам	0	

## 2. Кредит тарихи

А) Бир неча марта кредитдан фойдаланган ва кредит бўйича асосий қарзларни ҳам, фоизларни ҳам ўз вақтида тўлаган.	8	
Б) Бир марта фойдаланган ва кредит бўйича асосий қарзларни ҳам, фоизларни ҳам ўз вақтида тўлаган.	5	
В) Кредитлардан фойдаланмаган, ёки уларни ўз вақтида қопламаган.	0	

## 3. Бошқа мажбуриятларининг мавжудлиги

А) Йўқ	3	
Б) Бор	0	

## 4. Сўралаётган кредитдан фойдаланиш муддати

А) Узоқ муддатли	2	
Б) Қисқа муддатли	3	

## III. Қарз олувчининг кредитланаётган тадбирда ўз маблағлари билан иштирок этиш улуши

А) 50% дан кўпроқ	8	
Б) 30% дан 50 % гача.	5	
В) 20% дан 30% гача	3	
Г) 20 % гача	2	
Д) Иштирок этмайди	0	

## IV. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ПУЛ ОҚИМИ

### 1. Ҳисоб варағига тушадиган ўртача ойлик тушум (кредит суммасига нисбатан фоизларда)

А) 100% дан кўпроқ	14	
Б) 50% дан 100 % гача.	10	
В) 20% дан 50% гача	7	
Г) 20 % дан кам	0	

## 2. Бизнес-режани баҳолаш

А) Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва барча зарур ахборотларга эга: лойиҳа ўзини оқлайди ва лойиҳани амалга оширишнинг бутун давридаги пул оқими ижобий ва кредит бўйича асосий қарз ҳамда у бўйича фоизларни тўлаш учун етарли. Бунда лойиҳанинг бизнес-режасида тақдим этилган маълумотлар ҳақиқий кўрсаткичларга тўғри келади.	8	
Б) Кредит сиёсати талабларига мос келади ва барча зарур ахборотларга эга, лекин лойиҳа бўйича анча-мунча таваккалчилик мавжуд. Лойиҳа ўзини оқлайди ва лойиҳани амалга оширишнинг бутун давридаги пул оқими ижобий ва кредит ҳамда у бўйича фоизларни тўлаш учун етарли.	5	
В) Бизнес-режа банкнинг Кредит сиёсати талабларига тўғри келмайди, лойиҳа бўйича катта таваккалчилик мавжуд, пул оқими манфий қийматга эга, бизнес-режада тақдим этилган маълумотлар ҳақиқий кўрсаткичларга мос келмайди. Ушбу ҳолда кредит берилмаслиги керак.	0	

## V. ИҚТИСОДИЙ МУҲИТ

### 1. Иқтисодий муҳит

А) Хусусий тадбиркор мўлжалланаётган ишлаб чиқариш районида	4	
---	---	--

монопол ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, ушбу маҳсулот бозори ҳали ривожланмаган, солиқларни тўлашда имтиёзлар бор.		
Б) Хусусий тадбиркор ёки мўлжалланаётган ишлаб чиқариш районида монопол ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, ушбу маҳсулот бозори ҳали ривожланмаган, ёки солиқларни тўлашда имтиёзлар бор.	2	
В) Мўлжалланаётган ишлаб чиқариш районида рақобатчилар мавжуд, солиқларни тўлашда ҳеч қандай имтиёзлар йўқ.	0	

## 2. Мавсумий маҳсулот етказиб беришга боғлиқлиги ва унга боғлиқ ҳолда товарларни сотиш нотекислиги

А) Боғлиқ эмас	4	
Б) Боғлиқ, лекин кўпи билан икки ой.	2	
В) Боғлиқ	0	

## VI. ТАЪМИНОТ

### Гаров таъминоти

А) Кредит бўйича таъминот юқори ликвидли ва етарли ҳисобланади	20	
Б) Кредит таъминоти етарли ва йилнинг бир чораги мобайнида сотилиши мумкин.	15	
В) Кредит таъминоти етарли, лекин сотиш қийин ҳисобланади.	10	
Г) Кредитнинг таъминоти етарли эмас ёки ноликвид. <b>Бундай ҳолда кредитлар берилмаслиги керак.</b>	0	

### Кафиллик

А) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ёки асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, асосий коэффициентлари 3 йил давомида узлуксиз ошиб борадиган ва зарур талабларга мос, ўзининг айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари йўқ ва бошқа кредитлар бўйича кафиллик ҳам бермаган.	20	
Б) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ёки асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, асосий коэффициентлари ўзгариши охириги йилларда барқарорлигича қолмоқда ва зарур талабларга мос келади, ўзининг айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари йўқ ва бошқа кредитлар бўйича кафиллик ҳам бермаган.	15	
В) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга ва асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келади, асосий коэффициентлари динамикаси барқарор ва зарур талабларга мос, ўзининг айланма маблағларига эга, кредитлар бўйича қарзлари бор ва бошқа кредитлар бўйича ҳам кафиллик берган, лекин кредитлар бўйича барча мажбуриятларини қоплаш учун ўзининг етарли маблағлари бор.	10	
Г) Кафиллик берувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қоплаш учун етарли пул оқимига эга эмас ва асосий воситалари суммаси Кредит сиёсати талабларига мос келмайди, кредитлар бўйича қарзлари бор, кредитлар бўйича барча мажбуриятларини қоплаш учун етарли маблағларга эга эмас, корхона ўз айланма маблағларига эга эмас, зарар	0	



кўриб фаолият олиб боради. Бу кафиллик берувчи кредит бўйича таъминловчи сифатида қабул қилинмаслиги керак.		
---	--	--

### Суғурта полиси

А) Суғурта полиси кредитнинг барча суммасини ва у бўйича фоизларни қамраб олади, кредитнинг бутун даври мобайнида амал қилади.	20	
Б) Суғурта полиси кредит бўйича фоизларни, ёки кредитнинг барча суммасини қамраб олмайди, унинг амал қилиш муддати кредитнинг амал қилиш муддатидан кам. Бундай ҳолларда кредит берилмаслиги керак.	0	

Изоҳ: VI “Таъминот” бандига: Кредит таъминотининг бир неча тури мавжудлигида (таъминотнинг аралаш шакли) устивор бўлган таъминот шакли баҳоланади.

### Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигининг якуний баҳоси

Якуний баҳо тўртта баҳолаш тоифасидан иборат: биринчи тоифа юқори сифатли кредитлар даражасини аниқлайди, иккинчи тоифа баъзи бир камчиликлари бор ва мониторинг олиб борилиши зарур бўлган мақбул кредитларни аниқлайди, учинчи тоифа муаммоли бўлиши мумкин бўлган кредитларни аниқлайди, тўртинчи тоифа жиддий муаммолар юзага келиш эҳтимоли юқори бўлган кредитларни аниқлайди. Бундай ёндашув кредитлар бўйича муаммолар юзага келиши эҳтимолини аниқлаш учун кредитларнинг сифати тўғрисида муҳим ахборотларни ва маълумотларни беради.

Кредит мониторингини ўтказишда охириги икки тоифага алоҳида аҳамият бериш зарур, чунки ушбу кўрсаткич кредитлар қайтарилишида ёки мижоз фаолиятида муаммолар мавжудлигини кўрсатиб беради ва бу кредитлар муаммоли кредит сифатида таснифланиши мумкин. Шунинг учун ҳам улардан ҳар бири бундай кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун заҳира яратиш адекватлигини аниқлаш мақсадларида иккита қўшимча параметрларга бўлинди. Бу баҳо қўшимча ўрганиш ва тезда зарарларни қисқартириш бўйича зарурий чораларни кўришни талаб қилиши керак.

### Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш тизими

СИНФ	БАЁНИ	ЖАМИ
1 синф	Натижа энг ёмон бўлганда ҳам катта зарар кўрилмайди. Кредит яхши обрў-эътиборга ва молиявий мавқега эга хусусий тадбиркорга берилади, унинг ҳолати кескин ёмонлашиб қолиш эҳтимоли жуда паст. Кредит учун қўйилаётган таъминот зарур талабларга мос келади. Ўзини ишочли мижоз сифатида кўрсатган. Ушбу мижозларга кредитлар умумий асосларда берилади. Уларга кредитларни имтиёзли тартибда бериш ҳам мумкин. Стандарт бўлган ҳар ойлик мониторингни ўтказиб туриш тавсия этилади.	85–100
2 синф	Молиявий ҳолати етарли даражада мустаҳкамлигини намойиш этаётган анча машҳур қарз олувчиларга бериладиган кредитлар. Мижоз тегишлича молиявий имкониятларга эга, лекин у ёки бу сабабларга кўра фаолиятининг пасайиши ёки бошқа бирор-бир тўхталишлар юзага келиши мумкин. Ушбу мижозларга кредитлар умумий асосларда берилади. Агар қарз олувчининг ҳолатини барқарор эмас деб ҳисоблашга асос бўладиган қандайдир салбий кўрсаткичлар мавжуд бўлса, кредит шартномасини тузишда унинг фаолиятини ва кредитнинг қайтарилишин назорат қилиб туришнинг қўшимча чора-тадбирларини кўзда тутиш зарур. Хусусан, гаров ҳуқуқини кескинлаштиришни қўллаш, юқори фоиз ставкаларини белгилаш, қўшимча кафолатлар тақдим этишни талаб қилиш, ссуда миқдори ва ундан фодаланиш	55–84

	муддатларини чеклаш ва бошқалар. Йилнинг ҳар чорагида мониторинг ўтказиб туриш тавсия этилади. Бунда қарз олувчининг кучсиз томонларига эътибор бериш зарур бўлади.	
3 синф	Мижознинг молиявий ҳолати барқарор эмас. Бозорда нохуш вазият юзага келган. Вазиятнинг янада ёмонлашиши мумкинлиги зарарлар юзага келиш эҳтимолини кучайтиради. Ушбу мијозлар кредитга лаёқатсиз ҳисобланади ва уларга фақат юқори ликвидли таъминот гаровга қўйилганда ёки Банк кредит қўмитасининг қарорига асосан бошқа таъминот турларидан бирини олган ҳолда кредит берилиши мумкин. Келгусида мијозни ҳар ойда текшириб туриш тавсия этилади. Мијознинг молиявий ҳолатига алоҳида эътибор бериш, унинг ҳисобварақларини кузатиб бориш, мијоз билан тез-тез учрашиб ва мулоқот қилиб туриш зарур.	23–54
4 синф	Ушбу мијозларга кредит берилмаслиги керак (алоҳида ҳоллардан ташқари).	0–22

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида  
кредитлаш ва унга тенглаштирилган  
операцияларни амалга ошириш  
Тартиби”га 9-Илова**

**Намунавий филиал комиссия йиғилиш баёни далолатнома формаси**



**ПРОТОКОЛ ЗАСЕДАНИЯ КРЕДИТНОЙ КОМИССИИ ФИЛИАЛА**

1	Дата протокола:	15 ноября 2019 года	
2	Номер протокола	№2019-510	
3	Место проведения:	г.Ташкент	
4	Председатель комиссии	Урманова Д.А.	
5	Члены комиссии:	1. Петров Иван Петрович	3. Петров Иван Петрович
		2. Петров Иван Петрович	4. Петров Иван Петрович
6	Обслуживающий филиал	Киргулийский филиал	
7	Заемщик	UZ SEGANG	

**РЕШЕНИЕ КРЕДИТНОЙ КОМИССИИ ФИЛИАЛА**

№	Наименование критериев	Значение
1	Заёмщик	UZ SEGANG
2	Принятое решение	Положительное
3	Цель кредита	Пополнение оборотных средств
4	Сумма кредита	4 000 000 000
5	Валюта	UZS
6	Срок кредита (в месяцах)	36
7	Льготный период по погашению основного долга в месяцах	12
8	Периодичность погашения кредита	Ежемесячно
9	Льготный период по погашению процентов в месяцах	не предусмотрено
10	Периодичность погашения процентов	Ежемесячно
11	Процентная ставка по кредиту	26%
12	Наименование кредитного продукта	Инвест
13	Источники финансирования	Собственные средства банка

**Залоговое обеспечение:**

№	Тип залога	Описание обеспечения	Адрес обеспечения/ поручителя	Собственник	Залоговая сумма, сум
1	Недвижимость	Здания и сооружения фабрики. Литер 1, Литер 2, Литер 3, Литер 4. Кадастр №10:08:15:03;15;1	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	ООО "Polyspektr"	5 000 000 000
2	Автотранспорт	Легковой автомобиль марки Каптива, 2019 года выпуска. Двигатель №123456, Кузов WXB2621. Гос.номер 01Q154RA	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	ООО "Polyspektr"	250 000 000
3	Оборудование	Оборудования для печати баннеров, 2018 года производства. Серийный номер №54811684	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	ООО "Polyspektr"	780 000 000

4	Спец. Техника	Автосамосвал марки HOWO, 2018 года выпуска. Двигатель №1234654, Шасси 451616848. Гос. номер Y154AA	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	Иванов Иван Петрович	400 000 000
5	Поручительство	Поручительство ООО "Гарантия" ИНН12345678	г.Ташкент, М.Улугбекский район, ул. Рохат, дом 1	1. Ташматов О.А. 2. Эгамов З.Р.	5 000 000 000
6	Страховой полис	Страхование кредита и процентов от риска непогашения кредитов	-	-	200 000 000
<b>ИТОГО</b>					<b>11 630 000 000</b>

**Дополнительные условия:**

1	Выдачу кредита осуществлять после оформления в залог вышеуказанного имущества
2	После выдачи кредита в течении 30 календарных дней перевести на обслуживания основной расчётный счёт клиента
3	
4	
5	

Председатель Кредитной комиссии	_____	Петров Игорь Петрович
---------------------------------	-------	-----------------------

<b>Члены Кредитной комиссии</b>		
---------------------------------	--	--

1	_____	Петров Игорь Петрович
2	_____	Петров Игорь Петрович
3	_____	Петров Игорь Петрович
4	_____	Петров Игорь Петрович

Секретарь Кредитной комиссии	_____	Петров Игорь Петрович
------------------------------	-------	-----------------------

## Намунавий филиал баҳолаш далолатнома фомаси



### АКТ СОГЛАСОВАНИЯ СТОИМОСТИ ЗАЛОГОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

1	Дата	12.12.2019
2	Место составления	г.Ташкент
3	Обслуживающий филиал	Яшнабадский филиал
4	Заемщик	UZ SEGANG
5	Сумма кредита в номинале	599 130
6	Валюта кредита	USD
7	Сумма кредита в эквиваленте	599 130
8	Требуемое обеспечение в эквиваленте	748 913
9	Сумма предоставляемого залога	2 950 000 000
10	Покрытие залоговым обеспечением	492381%

### Информация о недвижимом имуществе

№	Наименования здания	Собственник	Адрес залога	Кадастровый номер	Общая площадь (кв.м)	Площадь застройки предоставляемая в залог (кв.м)
1	Залог части зданий и сооружений асфальто-бетонного завода (35 литров)	ООО "Chirchiq tajribai asfalt beton zavodi"	Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Рамазон, д.156а	№11:20:02:04:01:0003:0001	81 240,0	4 688,8
2	Залог зданий и сооружения детско-развлекательного комплекса	ООО "Chirchiq tajribai asfalt beton zavodi"	Ташкентская область, г.Чирчик, ул.в.Хайдарова, д.20а	№11:20:01:02: 0129	8 400,0	814,9

### Информация о движимом имуществе

№	Наименование и полное описание движимого имущества. Его характеристики	Собственник	Адрес залога	Документ, подтверждающий право собственности	Цена приобретения имущества (если имеются данные)
1	Легковой автомобиль марки Каптива, 2019 года выпуска. Двигатель №123456, Кузов WXB2621. Гос.номер 01Q154RA	ООО " Polyspektр"	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	Свидетельство о регистрации №AAC159753 от 12.12.2019г.	данных не имеется
2	Оборудования для печати баннеров, 2018 года производства. Серийный номер №54811684	ООО " Polyspektр"	г.Ташкент, Яшнабадский район, ул. Гоголя, дом 1	ГТД№1241/10510 от 12.12.2017г.	540 154 долларов США

### Информация о движимом имуществе

№	Наименование и полное описание движимого имущества. Его характеристики	Собственник	Адрес залога	Документ, подтверждающий право собственности	Цена приобретения имущества (если имеются данные)
1	Легковой автомобиль марки Каптива, 2019 года выпуска. Двигатель №123456, Кузов WXB2621. Гос.номер 01Q154RA	ООО " Polyspektр"	г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Лабзак, дом 47	Свидетельство о регистрации №AAC159753 от 12.12.2019г.	данных не имеется
2	Оборудования для печати баннеров, 2018 года производства. Серийный номер №54811684	ООО " Polyspektр"	г.Ташкент, Яшнабадский район, ул. Гоголя, дом 1	ГТД№1241/10510 от 12.12.2017г.	540 154 долларов США

### Оценочная и согласованная стоимость

№	Независимая оценка	Независимая оценка (сум)	Оценка банка (сум)	Дисконт, %	Покрытие кредита, %
1	Залог части зданий и сооружений асфальто-бетонного завода (35 литров)	3 263 500 000	2 300 000 000	70%	383890%
2	Залог зданий и сооружения детско-развлекательного комплекса	700 300 000	300 000 000	43%	50073%
3	Легковой автомобиль марки Каптива, 2019 года выпуска. Двигатель №123456, Кузов WXB2621. Гос.номер 01Q154RA	250 000 000	100 000 000	40%	16691%
4	Оборудования для печати баннеров, 2018 года производства. Серийный номер №54811684	780 000 000	250 000 000	32%	41727%
<b>Итого:</b>		<b>4 993 800 000</b>	<b>2 950 000 000</b>	<b>59%</b>	<b>492381%</b>

**Залогодержатель:**  
**Яшнабадский филиал АО "Узсаноатқурилишбанк"**

Заместитель  
управляющего \_\_\_\_\_ Лапасов Ж.В.  
*М.П.*

Клиентский  
менеджер \_\_\_\_\_ Турдалиев В.П.

Кредитный  
администратор \_\_\_\_\_ Нишанов В.У.

**Заёмщик:**  
**ООО "Ромашка"**

Генеральный директор \_\_\_\_\_ Анваров А.М.

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_ Приходько А.А.  
*М.П.*

**Залогодатель 1:**  
**ООО "Chirchiq tajribai asfalt beton zavodi"**

Заместитель  
управляющего \_\_\_\_\_ Степонян В.Ф.

Главный  
бухгалтер \_\_\_\_\_ Романов В.А.  
*М.П.*

**Залогодатель 2:**  
**ООО "Polyspekttr"**

Директор \_\_\_\_\_ Арзуманян С.Ю.

Главный бухгалтер \_\_\_\_\_ Галак О.Н.  
*М.П.*